

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ ГАЗЕТАСИ



milliy tiklanish

№ 14 (1116) 2021 йил 21 апрель, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқиб бораётган

www.mf.uz / gazeta@mf.uz / mtiklanish@mail.ru



«ЭШИТДИНГМИ?», «ЎҚИДИНГМИ?», «КЎРДИНГМИ?»... 2



ҚАРШИДА ҚАРШИЛАР ЙЎҚ! 3



МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ ВА МУСИҚИЙ МАФКУРА 6


2 Энди ҳар чоракда туризм салоҳияти муҳокама этилади

2021 йил якунига қадар эса меҳмонхоналар сони 211, туropolиторлар 130, ресторанлар сони эса 94 тага етказиш режалаштирилган.



3 «Кўмак»чилар Султон Увайс Қараний қабрини зиёрат қилишди

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7 июль куни Увайс Қараний зиёратгоҳига ташриф буюрганларидан сўнг, зиёратгоҳнинг 6 гектар майдонида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган эди.



5 Ўзи ҳам, сўзи ҳам Ўқтам эди

Ушбу жавобда Аъзам Ўқтамнинг бутун феъли, табиати, одоби-орияти, қолаверса, ўша кунлардаги кайфияти мужассам эди. Товушини кўтармади, ранжиганини сездирмади, ҳатто олис араб давлатига бориш бахтидан бенасиб қолиши эҳтимолидан афсусланмади ҳам.

6 Жиззахлик депутат аёллар фаолиятдан

ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИГА ҚИМ ҚАРШИ?

Bank

ДУНЁ МИҚЁСИДА 300 дан зиёд ислом банки ва молия муассасалари бўлиб, уларнинг ялпи активлари 2,5 триллион АҚШ долларидан ошиб, йилига 15-20 фоизга ўсмоқда.



Мен дунёни нима қилдим, Узинг ёруғ жаҳоним, Узим хоқон, Узим султон, Сен тахти Сулаймоним, Елғизим, Ягонам дейми, Топинган кошонам дейми, Узинг менинг улуғлардан Улуғимсан, Ватайим...

8 с.



АҚМАДЖОН МЕЛИБОЕВ ФИКР, МАҚОРАТ ВА ЖУРЪАТ ҲАҚИДА 4



3



ОЛИЙ СУД РАИСИ ВАЪДА БЕРДИ!

2 ЗАРИНГ БЎЛМАСА, ЗЎР ДЕПУТАТИНГ БЎЛСИН!



ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИГА КИМ ҚАРШИ?

Парламент куйи палатасида партия фракцияси ташаббуси билан «Ўзбекистонда ислом молия тизimini татбиқ этиш истиқболлари ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш» мавзусида навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маълумки, исломий молия фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни кўзда тутган тизим бўлиб, у шерикчиликка асосланади. Улар мижоз талаби билан бирон-бир объект қуриши, асбоб-ускуналар, товар, хом ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Шериклик асосидаги молиялаш тизими айни пайтда дахлсизлик, шартнома мажбуриятларига қатъий риоя қилиш, таваккалчиликлар, фойда ва даромадларни адолатли тақсимлаш, иқтисодий фаровонлик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Буюк Британиянинг 20 дан ортук нуфузли банкларидан ушбу тизим муваффиқлиги иш олиб борапти. Шу ўринда ислом молия тизимидан самарали фойдаланаётган Бангладешнинг иқтисодий ўсиш суръати 5.57 фоиздан (2010 йил) 7.9 фоизга (2018 йил) етганини таъкидлаш жоиз. Тадқиқотларга кўра, Ислам банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий маблағларга бўлган талабини қондириш орқали Бангладешнинг иқтисодий ривожига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Буни ислом банклари ушбу давлат банк тизимида 24 фоиз улушга эга эканида ҳам кўриш мумкин.

Омонда ҳам 2022 йил-

дан бошлаб ислом молия тамойилларига амал қилинапти. Хусусан, ушбу давлатда ўтган йиллар мобайнида ислом молияси активлари ҳажми 12,6 млрд. АҚШ долларга, банк тармоғидаги улуши эса 13,7 фоизга етди. Ушбу давлат ҳозирда ислом молияси бозори кўлами жиҳатдан дунёда 15 ўринда туради.

Таҳлилчиларнинг фикрича, дунё миқёсида 300 дан зиёд ислом банки ва молия муассасалари бўлиб, уларнинг ялли активлари 2,5 триллион АҚШ долларидан ошиб, йилига 15-20 фоизга ўсмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам анъанавий молия тизимига муқобил равишда банк ва тадбиркорнинг шерикчилигига асосланган кредитлаш механизми жорий этишга қаратилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган эди.

Партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодировнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда аплақачон жорий этилиши керак бўлган ушбу тизимни амалиётга татбиқ

этиш осон кечмаяпти. Ваҳоланки, бугунга келиб, ушбу тизим дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам дадил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда энг кўп мусулмон аҳолисига эга давлат бўлишига қарамасдан бу масалада Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистондан ҳам сезиларли даражада орқада қоляпти.

Мамлакатимизда ушбу тизим учун 2004 йили йўл очилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг Ислам тараққиёт банки (ИТБ) аъзолигига қўшилгани билан боғлиқ. Маълумки, аҳолимизнинг 90 фоиздан кўпи Ислам динига эътиқод қилади. Шунинг учун ҳам 15-20 фоизга яқин фуқароларимиз анъанавий кредитлаш тизимидан фойдаланмаяпти. Муқобил кредитлаш тизими орқали эса мазкур қатлам ҳам қамраб олиниши мумкин. Бу ана шу қатлам омонатларини иқтисодийга жалб этиш имкониятини яратади.

Статистика Ўзбекистондаги бизнес субъектларининг 80 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши ва уларнинг чорак қисмига кредит хизматидан фойдаланишни кўрсатапти. Банк активларининг 85 фоизи эса давлат банкларига тегишли ва уларда кичик ва ўрта бизнеси молиялаштириш учун санокли хизматлар бор. Шу боис, аксарият қорхоналар банкларни молиялаштиришнинг афзал



манбаи ҳисобламайди. Бу эса бизнес субъектларининг молиявий ҳисоботларга етарли даражада эътибор бермаслиги, солиқ идораларига тақдим этилган расмий ҳисоботларида эса аксарият ҳолатда ҳақиқий молиявий ҳолатни кўрсатмаслигига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари ҳам ўз навбатида бундай ҳисоботларга ишонч билдирмайди ва бу кўпга субъектларни кредитлаш имкониятидан маҳрум қилади.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда ислом молияси бўйича бизнес вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам эълон қилинди. Унда 2 235 нафар бизнес вакили, қарийб 5000 нафар жисмоний шахслар иштирок этган. Натижаларга кўра, бизнес субъектларининг 38 фоизи, жис-

моний шахсларнинг 56 фоизи диний қарашлари сабаб анъанавий банк кредит хизматидан фойдаланмаслигини билдирган. Мос равишда иштирокчиларнинг 61 ва 75 фоизи Ўзбекистонда ислом молия муассасалари иш бошласа ёки ислом молия хизматлари таклиф этилса, танлашга тайёрлигини айтган.

Сўровга банк вакиллари ҳам жалб этилиб, улардан ислом молия тизimini жорий этишдаги муаммолар ҳақида фикр сўралган. Қайд этилишича, ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини, жумладан, ислом сўғуртаси бўлган «такофул»ни тартибга солувчи қонунлар йўқ, шунингдек, амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида ишлайдиган банклар учун мослашти-

рилмаган. Банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари ҳам ислом молия битимлари бўйича амалиёт ўтказишга мос эмас. Энг асосийси, олий таълим тизимида ислом молияси ва банки бўйича мутахассислар тайёрланаяпти. Шу боис, мутахассислар кам, амалий тажриба эса йўқ. Шунингдек, аҳолининг ислом молияси ҳақидаги билим ва тушунчалари ҳам етарли эмас.

Тадбирда таъкидланганидек, Ислам молияси маҳсулотларидан фойдаланиш учун амалдаги қонунчилик, солиқ ва фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонуности ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш пайти келди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

✓ Сўз — Ёшлар парламенти аъзоларига

Биз — ёшлар Президентимизнинг ёшларга бўлган эътиборини амалда кўряпмиз. 2021 йилнинг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб номлангани, 27 январь ҳамда 10 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда ёшлар билан боғлиқ энг долзарб вазифалар яна бир бор қайд этилиб, масъуллар белгилангани ҳам шундан. 13 апрель кунги видеоселектор йиғилишида эса асосий эътибор ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилди.



Маълумотларга кўра, юртимизда 648 минг нафар ишсиз «Ёшлар дафтари»га киритилган. Биринчи чоракда 283 минг ёшларнинг бандлиги таъминланган. 175 минг нафар ёшга 45 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 36 мингта қўшимча тўғрак ташкил этилиб, уларга 874 мингга яқин ўғил-қиз жалб этилган. «5 та муҳим ташаббус» доирасида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига 97 мингта санъат ва спорт инвентари, компьютерлар, 562 мингта бадий китоб етказиб берилган.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол тугилади. Шунча ишлар амалга оширилса-да, нега ҳудудларда ишсиз ёшлар кўп учрайпти? Нега ҳар бир ёш бу ислохотлар натижасини ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғи ва тумани доирасида ҳис қилмаяпти?

Демак, жойларда ёшлар билан ишлашда ҳали камчиликлар етарлича, бу борада амалий ташаббуслар кам. Шундан келиб чиққан ҳолда Давлатимиз раҳбари томонидан мутаасаддиларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Ўқишда, ишда, кутубхона ва спорт майдонларида бир гапни эшитасиз:

— «Эшитдингми?», «Ўқидингми?», «Курдингми?»...

Ҳа, Президентимиз томонидан кўнглимиздаги гаплар айрилди.

Жумладан, 1 майдан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган қорхона ва компанияларга ушбу ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ қайтариб берилди.

1 июндан бошлаб, «Ёшлар дафтари»га киритилган талабалар қорхона ва компанияларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмга субсидия ажратилади.

Биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

«Ёшлар дафтари»га кирган 5 нафардан ортук ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркор-

ларга 1 майдан бошлаб давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёз берилади.

Ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга, бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб берилди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган йиғилар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан тўлаб берилди.

1 июндан бошлаб «Ёшлар дафтари»га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиши харажатининг бир қисми қоплаб берилди.

1 июлдан бошлаб хусусий қорхоналарда янги иш бошлаган ходимларни қайта тайёрлаш харажатининг 1 миллион сўмгача бўлган қисмига субсидия берилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларида ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

Энг муҳими, ижарада яшаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан алоҳида дастур тайёрланаётгани ҳамда бундай ёшларга 1 майдан бошлаб ижара тўловининг ярми давлат томонидан қоплаб берилишидир. Дастлабки босқичда ушбу тизим орқали 60 минг нафар ёшлар қамраб олинади. Шу билан бирга, эҳтиёжманд талабаларга ушбу харажатлар ҳоқимликлар ва олийоқушлар маблағи ҳисобидан ҳам қоплаб берилди.

Албатта, энди биз ҳам юқоридагидек имтиёзларга яраша ўқишимиз керак.

Имом Бухорий ҳазратлари ёзганларидек, «Илмдан ўзга нажот йўқ». Барча тенгдошларимни билим олишга, касб ўрганишга чақириб қоламан.

Азиз ОЧИЛБОВЕВ,
Ёшлар парламенти аъзоси

✓ Дастур ижроси

Маданий мерос агентлиги Бухоро вилоят бўлими бошлиғи Шерзод Маҳмудовнинг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан Бухоро вилоятида жами 829 та объект давлат муҳофазасига олинган.



Энди ҳар чоракда туризм салоҳияти муҳокама этилади

Маданий мерос агентлиги, Илмий-эксперт кенгаши мутахассислари томонидан бир қатор маданий мерос объектларининг бугунги ҳолати, уларда олиб борилган ва олиб борилаётган таъмирлаш-тиклаш ишлари ўрганилганда, 30 га яқин объектларда амалдаги тартибқоидаларга зид иш тутилаётгани аниқланган. Энг ёмони, «Бухоро тарихий маркази»даги уй-жойлар ўзбошимчалик билан бузилиб, қайта қуриш ишлари тинмаяпти.

Шу ўринда техноген ҳолатлар таъсирида емирилиши, қулаши эҳтимоли юқори бўлган 40 та ўта муҳим маданий мерос объектларининг рўйхати шакллантирилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дирекцияга тақдим этилганини таъкидлаш жоиз.

Бухоро вилоят туризм ва спорт бoshқармаси вакили Сухробжон Бобакалоновнинг маълум қилишича, меҳмонхоналар сони 155 тага, оилавий меҳмон уйлар 180 та хостеллар 43 тага етган.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, вилоятда 120 та туристик

фирма, 232 нафар гид-таржимон, 88 та ресторан, 251 та автобус ва микроавтобус фаолият юритмоқда.

2021 йил якунига қадар эса меҳмонхоналар сони 211, туроператорлар 130, ресторанлар сони эса 94 тага етказиб режалаштирилган. Юқоридаги рақамлар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси депутатилик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилди.

Соҳа мутасаддилари билан ўтказилган қўшма йиғилишда жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш тўғрисида вилоят маданият бoshқармаси вакилининг ҳам ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишда гид-таржимон Илҳом Эргашов ҳамкорлигида Стефани Глазман томонидан Вена шаҳридаги «Silsila» наشريётида хорижий сайёҳлар учун Ўзбекистоннинг зиярат туризмига мўлжалланган янги китоб нашрдан чиқарилгани ва 14 апрель кунги Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида тақдими ўтказилгани

маълум қилинди.

Ҳисобот йиғилиши давомида ёз ва киш ойлари учун сайёҳларга чегирмалар белгилаши, сайёҳларга кўрсатиладиган сервис хизматлари сифати талаб даражасида эмаслиги, авиаचितалар нархининг қимматлиги, халқаро туристик ярмаркаларда Бухоро туристик компаниялари иштирокини таъминлаш, эски шаҳар қисмини ёритиш чироқларини қадимий машъал услубида ишлаб чиқиш, шаҳар марказида гидлар ахборот кўмак маркази учун бино ажратиш, Лаби ҳовуз мажмуасида сайёҳларни тўплаб, тарихий обидалар ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашиш имконини берадиган жой тайёрлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда партия вилоят Кенгаши раиси Махсуд Мухаммедов ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзоси Абира Хусейнова масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари юзасидан фикр билдириб, долзарб масала ва таклифларнинг аҳамияти, муҳимлиги юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Заринг бўлмаса, зўр депутатинг бўлсин!



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Сабировнинг ёрдами билан Қоракўл туманида «Ёшлар дафтари»га киритилган, олий маълумотли Рустам Адизов ва Азамат Отақуловлар туман ирригация бўлимига ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Маълум бўлишича, Ташкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида таҳсил олган икки ёш анчадан буён ишсиз юрган экан.

Депутатнинг «Истиқлол» маҳалласида сайловчилар билан учрашувида яна бир масалага ижобий

ечим топилди. Қайд этилишича, фуқаро Фарҳод Бозоров туман «Халқ банки» филиалига уч гилдиракли мотоцикл олиш учун кредит ҳужжатларини топширган бўлса-да, тўрт ойдан бари ушбу мурожаат эътиборсиз қолаётган экан.

Н.Сабиров шу ернинг ўзида банк филиали мутасаддиларига телефон қилган эди, масала бирпасда ҳал бўлди. Замонавий тилда айтганда «Заринг бўлмаса ҳам, зўр депутатинг бўлсин» деб шунга айтсалар керак-да.

Муслима РЎЗИЕВА,
партия Бухоро вилояти кенгаши
Ахборот хизмати раҳбари



ОЛИЙ СУД РАИСИ

ВАЪДА БЕРДИ!

«Гуноҳим бўлса яна қаманг, бўлмаса оқланг»

Ўғирлик – гуноҳ, ўғирлик авлод-аждодлар юзини қора қилгучи номуссизлик иллатидир... Уни ўғирликда айблашди. Айбловлар, ҳукмлар асоссиз эканини ҳар қанча уқтирмасин унга қулоқ тутадиган мард топилмади.

Қамоқхонанинг тор ва зах деворларига бош кўйиб, ўтган умрнинг ҳар бир соати ва лаҳзаларини таҳлил этганида юрагидан бир сўз отилиб чиқарди: «Мен барибир ҳақиқатнинг тагига етаман...».

Давр ўзгаргани, қарашлар ўзгаргани, ҳақиқатга, тўғри сўзга муносабат ўзгаргани эса унга куч бера бошлади. Аммо ҳақиқатнинг кучаси у ўйлаганчалик раво бўлиб чиқмади, ҳануз бу кучалар ҳаддан ташқари эгри-бугри экан, тошлоқ экан ерлари, тиконлар бор экан йўл четларида...

Ун беш кунча аввал унинг юрагига сўнаётган шам яна аланга олди. Уз оёғи билан у яшаётган туманга МАМЛАКАТНИНГ БОШ СУДЬЯСИ ташриф буюриб, оддий одамлар билан оддий одамдек мулоқот қилди.

Аввалига ишонмади, неча йиллардан бери остонасига бош уриб, бир оғиз гапини эшитишга зор бўлган одамни тақдирнинг ўзи унга рўбарў қилаётган бўлса-я!

Мухтарам ўқувчи! Ёдингизда бўлса газетамизнинг 2020 йил, 1 июль (21-сон) сониди олти йилдан бери Олий суд судьяларининг адолатсиз ёндашувларидан норози бўлиб келаётган самарқандлик фуқаро Бахтиёр Ибрагимовнинг тақдирланган қисмати ҳақида «Чиндан ҳам 1,5 тонна олтин ўғирланганми?» сарлавҳали мақола эълон қилган эдик.

Мақолада 9 йилу 6 ой муддатга қамалган, ота-онаси, фарзандлари ва маҳалла-қўй олдида гурури, ори топталган фуқаронинг тақдирини ва унга ноҳақ айблар эълон қилган судья жаноби Акром Ўтаев ҳақида батафсил маълумотлар ҳам бергандик.

Бир ҳафтача олдин Бахтиёр ака Ибрагимов таҳририятга кўнгирак қилиб, 3 апрель кун Кўшрабтда ўтган сайёр қабулда Олий суд раиси Козим Комилов билан учрашганини айтиб қолди.

– Козим ака гапларимни эшитиб, жиноят иши қайта кўриб чиқилади, – деди. Мен эса оқласангиз, оқланг, ёки бўлмаса мени бошқатдан қаманг, дея шарт кўйдим...

– Ўша пайтда чиндан ҳам на терговчи ва на судья тақдим этилган ҳужжатлар, гувоҳлар ҳамда келтирилган далилларни инобатга олмадилар, – дейди Б.Ибрагимов. – Тўғри, у пайтлар суд-хуқуқ идораларининг мақсад ва вазифалари бошқа эди. Шунинг учун ҳам бугунга келиб, оилам, фарзандларим ва маҳалла-қўй олдида ўз номимни оқлаш учун Олий судга мурожаат қилаяпман.

Тақдим этилган ҳужжатлар Б.Ибрагимовга нисбатан 140 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилиб, давлатга 238 миллион сўм миқдорда зарар етказганлик, энг муҳими, 1,5 тонна миқдордаги соф олтин ўзлаштирилганлик ҳамда ҳужжатларни сохталаштириш каби айблар қўйилганини кўрсатяпти.

Айблов хулосалари, турли инстанцияларга йўлланган хатлар, суд ҳукми, адвокатлар хулосалари билан қайта-қайта танишиб, чиндан ҳам дастлабки тергов жараёнида кўплаб далилларга эътибор қаратилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, «Зармитан» конига коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиш Б.Ибрагимовнинг эмас, Жанубий Кон Бошқармаси мутасаддиларининг ваколати билан амалга оширилганини терговчилар эътиборга ҳам олмаганлар.

Ваҳоланки, «Зармитан» кони ўша пайтда ҳам, бугунги кунда ҳам алоҳида юридик шахс бўлмагани учун фуқароларни мустақил равишда ишга қабул қила олмасди.

Иккинчи айблов эса Голливуд киноларида акс этадиган шовшувли воқеаларни эслатади, холос. Яъни, Б.Ибрагимовга бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, оз эмас, кўп эмас 1,5 тонна соф олтинни ўзлаштирилганлик айби қўйилади.

Маълумки, «Зармитан» кони Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли бўлиб, унинг фаолияти қимматли металлар қазинишига қаратилгани учун ҳам алоҳида қўриқланадиган объектлар сирасига киради.

Энди бир тасаввур қилиб кўринг: ана шундай объектдан шунча олтинни олиб чиқиб кетиш мумкинми? Мумкин бўлса, нега махсус хизматлар узоқ вақт давомида «аср жиноятини» фаш этмадилар? Бу айблов чиндан ҳам ўша давр учун тўқилган эртаси эди. Аммо ана шу «эртаси» Самарқанд тумани суди раиси жаноби Акром Ўтаев ишонди. Гарчи, жами 146 млрд. 302 млн. сўмлик 1.539. 562, 072 грамм олтинни растрата йўли билан талон-торож қилганлик тўғрисидаги айб Самарқанд туман судида ўз тасдиғини топмаган бўлса-да, судья «қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ» қабилида иш тутди.

Яна бир масала. «Зармитан» конида олтин соф ҳолда эмас, балки руда кўринишида қазиб олиниши ва заводда қайта ишланиб, маъдан таркибидан ажратилишини таъкидлаш жоиз. Мутахассисларнинг қайд этишларича, бу жуда мураккаб жараён бўлиб, уни оддий тил билан тушунтириш анча мушкул. Соддароқ айтганда, 1,5 тонна олтин олиш учун камида 50 минг тонна рудани қаергадир ташиб олиб кетиш, махсус техникалар ёрдамида қайта ишлаш лозим бўлади. Бу энг камида 50 та эшелон, деганидир. Шу ўринда 17 ой мобайнида кон ҳудудидан руда ортилган шунча эшелон қўйиб бўлади-ю, қўриқлаш хизмати ходимлари бунга томошабин бўлиб тураверишганим, деган савол туғилмайдими? Бу саволларга на тергов, ва на суд

жараёнида жавоб қайтарилди.

Ҳужжатларни сохталаштириш ҳақидаги айблов хусусида ҳам анча-мунча эътирозлар билдириш мумкин. Масалан, ушбу кон ходимлари доимо Навоий кон-металлургия комбинати ва Жанубий кон бошқармаси масъул ходимлари назоратида бўлганини, улар томонидан хизмат сохтакорлиги у ёқда турсин, ҳатто тасодиқий хатоликларга ҳам йўл қўйиш имкони бўлмаганини ҳеч ким эшитишни хохламади.

Шу маънода ҳам Бахтиёр Ибрагимов иши айтиб Олий Суднинг адолатли судьялари томонидан оқланаётган йўлаб, ҳатто, юзлаб фуқаролар ишига умумий жиҳатлари билан ўхшаш экани, яъни уларнинг аксариятида гуноҳкорлар олдиндан танланганини ишонч билан айтиш мумкин. Улар Жиноят кодексининг қайси моддаси билан жиноятчига айланганлиги ҳам олдиндан келишилми, десак хато бўлмайди. Агар айбланаётган шахс кўрсатилган йўлдан юрса, гувоҳга, адолат истаб қолса, жиноятчига айланган. Бахтиёр Ибрагимов ҳам кимларидир ёмонотлиққа чиқаришга кўнмади, минг бир азоблар бошига тушса ҳам ёлгон кўрсатмалар беришдан бош тортиди...

Шу ўринда бир савол кишини ўйлантиради: ростдан ҳам 1,5 тонна соф олтин ўғирланганми? Ёки бу Б.Ибрагимов орқали кимнидир ёмонотлиққа чиқариш учун йўлаб топилаган баҳонами?

Бир сўз билан айтганда, 6523-сонли жиноят ишига оид ҳужжатларда жавобсиз саволлар кўп.

Аммо энди ана шу саволларга адолатли жавоб қайтариладиганга ўхшайди. Б.Ибрагимовнинг айтишича, Олий суд раиси ушбу ишни қайта кўриб чиқишга ваъда берган.

Демак, кутамиз.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

Қаршида қаршилар йўқ!



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши Қарши олимпия захиралари спорт мактаби билан ҳамкорликда «Биз чекишга қаршимиз» акцияси ўтказилиб, унинг доирасида 350 нафарга яқин спортсевар ёшлар иштирокида спорт тадбири ташкил этди.

– Инсон организмдаги жуда кўп касалликлар айнан чекиш натижасида пайдо бўлади, – дейди кенгаш раиси, таниқли шифокор Сайфулла Махматмуьнов. – Мисол учун, ўпка саратони қарийб 95 фоиз ҳолатда айнан чекиш туфайли пайдо бўлади. Қолаверса, трахея ва бронхлар, қизилўнғач, оғиз бўшлиғи, халқум ва хиқилдоқ ўсмалари, юрак ишемияси каби бир қатор оғир касалликларнинг келиб чиқиши ҳам тамаки тутунини билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, тамаки тутунини таркибида инсон саломатлиги учун зарарли ҳисобланган 400 га яқин модда бўлиб, улар ҳатто кашанда билан бирга яшайдиган кишиларни ҳам турли касалликларга мойил қилиб қўяди. Мунтазам тамаки чекувчи киши асабий, жижзаки бўлиб қолади, тез чарчайди, эслаш қобилияти пасаяди.

Тадбирда Қарши олимпия захиралари спорт мактаби директори Эркин Воҳидов мамлакатимизда тамаки истеъмолига қарши курашда энг аввало соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйиш лозимлиги ҳақида гапирди.

Таъкидланганидек, ёш авлодни тамаки чекишдан воз кечишга ундовчи энг асосий омиллардан бири бу улар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тўғри тарғиб этишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшлар орасида чекиш каби иллатларнинг зарари ҳақида кенгроқ маълумот беришга қаратилган турли акциялар, мусобақалар, викториналар ўтказилмоқда.

Мусобақа аввалида спорт мактаби ўқувчилари томонидан спортнинг бир қатор турлари бўйича кўргазмали чиқишлар қилинди.

Шундан сўнг, мусобақаларга старт берилди.

Ёш шахматчилар ўртасида ташкил этилган баҳсларда Қарши олимпия захиралари спорт мактаби ўқувчиси Абдурахмон Очилов барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақа ғолибига айланган бўлса, унинг тенгдошлари – Шаҳриёр Мамашоев иккинчи, Жавлон Исमतов ва Жаҳоҳ Шононовлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Миллий кураш мусобақалари финалига қадар етиб келган ва асосий баҳсда ҳам ўз устунлигини намоён қила олган Бобур Тўхлиев 1-ўринни қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасидаги баҳсда Замира Равшанова тенг келадигани топилмади.

– Ушбу мусобақа ва унда «Миллий тикланиш» партиясининг иштироки кўпчиликам маъқул бўлди, – дейди Замира Равшанова. – Мусобақада биринчи ўринни эгаллаш билан биргаликда, унда иштирок этиб тенгдошларим ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳисса қўшганимдан бахтиёрман.

Тадбир якунида барча ғолиб ва совриндорларга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳноза ҚАҲҲОРЗОДА,
партия Қашқадарё вилоят кенгаши
Ахборот хизмати раҳбари

✓ Партия дастури амалда

«Кўмак»чилар Султон Увайс Қараний қабрини зиёрат қилишди

Султон Увайс кунларнинг бирида ажойиб туш кўради. Пайғамбар саллолҳу алайҳи васаллам унга: «Эй Увайс, сен энди онангни туяга миндириб, Турон сари йўл ол. Ўша ерда Боспи тоғи бор, унинг ён бағирларида туя боқиш билан машғул бўл» дейдилар. Эртаси кунёқ ғойибона амрга итоат этиб йўлга чиққан Қараний жуда кўп қийинчиликлар билан кимсасиз сахрога, гиёҳсиз ва томчи сувсиз масканга етиб келади. Йўл азобидан хориган онаси Биби Наима Боспи тоғи этакларида вафот этади. Ҳатто жасадни ювиш учун сув тополмаган Увайс Аллоҳга «Сув бергин», дея нола қилади. Унга жавобан «Ҳассангни ерга ур», деган буйруқ келади. Увайс қўлидаги ҳассанни ерга санчганида қизиб турган тупроқдан сув отилиб чиқади ва у билан онасини ювиб, булоқ тепасига дафн қилади. Қабрни ташлаб кетмаслик учун бир умр шу ерда қолиб, фақирона ҳаёт кечиради. Турли илмларни эгаллаб, авлиёлик даражасига эришади.

Бу маскан Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи бўлиб Чортоқ туман марказидан 35 км узоқликдаги Балиқли кўл қишлоғида жойлашган.

Чортоқ туманида бугунги кунда 12 та моддий маданий мерос объектлари бўлиб, улардан 2 таси зиёратгоҳ, 1 таси масжид, 1 таси мақбара ва 8 таси археологик ёдгорликдир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7 июль кун Увайс Қараний зиёратгоҳига ташриф буюрганларидан сўнг, зиёратгоҳнинг 6 гектар майдонида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган эди. Бугун мазкур зиёратгоҳда 1400 ўринга мўлжалланган масжид ва тахоратхона, мақбара ёнида айовон, замонавий меҳмонхона, миллий музей ва кутубхона, 3 та фаввора, дам олиш айвонлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Маълумки, партияимизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда туризмни ривожлантиришнинг устувор

йўналишлари белгилаб олинган. Бундан ташқари, апрель ойи «Туризмни тарғиб этиш ва ривожлантириш» ойлиги сифатида танлаб олинган эди. Сайловолди дастур ижроси доирасида «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят кенгаши томонидан фаол талаба-ёшлардан ташкил топган «Кўмак» ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг 35 нафар аъзоси учун «Султон Увайс Қараний» зиёратгоҳига саёҳат ташкил этилди. Ташриф давомида ёшлар зиёратгоҳда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Улуғ ва фазилатли аллома Увайс Қараний ҳаёти ва фаолияти, унинг эзгу амаллари ҳақида маълумотларга эга бўдилар.


Бундан ташқари, ёшлар мажмуа таркибидаги музей ва музейдаги «Қуръони карим» китоби ҳамда эски қўлёзмалар билан ҳам танишдилар.

Саида ИСМОИЛОВА,
партия Наманган вилоят кенгаши
Ахборот хизмати раҳбари



ФИКР, МАҚОРАТ ВА БОСМА НАШРЛАРНИ КЕЙИНГИ АСРГА ҲАМ

босма нашрларни кейинги асрга ҳам



Ушбу аср тарихга «Ахборот асри» номи билан кирди. Шундай бўлди ҳам. Янги аср ўтмишдошидан узоклашгани йўқ, чунки ҳамма нарсани бугун ҳам, эртага ҳам ахборот ҳал қилади. Шу боис, ахборотга эътибор қилиш, уни тарқатиш дунёнинг кўп қисми мамлакатларида сермахсул бизнес, таъбир жоиз бўлса, йил бўйи тўхтовсиз сут берадиган соғин сизирга айланди. Ахборот бозорига кирган кишининг қўли қуруқ қолмайди, қозони билқиллаб қайнайди. Бу майдонда ҳамма нарса, жумладан, ахборотни шакллантириш ва тарқатиш воситаю йўллари алақачон тақсимлаб бўлинган.

Британия Кириллик Комиссиясининг 1949 йилги хулосасига кўра, оммавий ахборот воситалари: «Хабар тўплайди ва тарқатади; турфа хил (ижобий, салбий, баҳсли) фикр-мушоҳадаларни, уларга нисбатан алтернатив қарашларни монеликсиз чоп этади; баҳс-мунозарарада жамоатчиликнинг ишончли вакили сифатида иштирок этади, жамият тараққиётига хизмат қилади».

Деярли қоида тусини олган ушбу хулосаларни ўзгартириш қийин. Бизнес мақомидаги нашрларнинг «Биринчи бўлиб хабар бер ва қандинги ур» шиори ҳам уларни рад этмайди. Аммо янги асрнинг дастлабки икки ўн йиллигида юз берган шиддатли технологик ўзгаришлар, ахборот бозори магнатлари имкониятининг кенгайиши (Англияда жаноб Мэрдокнинг орқа эшикдан кириб, ҳукумат вакиллари билан пинҳона тушлик қилиши каби), кураш майдонида янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши бу бизнес йўналишини ҳам ўзгаришга мажбур этмоқда. Содда қилиб айтганда, медиа бозоридан жон сақлаш учун аёвсиз кураш, рақобат юзга келди. Айни пайтда, босма матбуотнинг эртанги кун, журналистларнинг янги шароитдаги вазифаси, матбуотнинг муҳим принциплари хусусида баҳсга ўхшамаган баҳс бошланиб кетди. «Матбуот муассиси чизиб берган чизикдан чиқмаслиги керак. Унинг фаолиятига давлат аралашмас

экан, матбуот ҳам давлат ишларига аралашмасин», деган фикрлар айтилди. Кечадир, яқиндадир матбуотнинг адолатли зарбасига дуч келиб, анча-мунча озор чекканлар бундай нуқтаи назарни сўзсиз қўллаб-қувватлашди. Лекин жамоатчиликнинг ОАВ орқали ахборот олиш ҳуқуқини инкор этишга ҳеч ким журъат қилгани йўқ. Тахлилчиларнинг фикрича, бу ҳуқуқ, масалан, АҚШ эркин матбуоти фаолиятининг «ўзгармас фалсафаси бўлиб, давлат-шахс муносабатларини маълум ҳуқуқий мезъерлар доирасида ушлаб туради».

Баъзи олимлар бу муносабатларни «қарашлар ва манфаатлар тўқнашуви, ғолибсиз ва мағлубсиз кураш» деб баҳолашди. Тўғри, иш фаолиятида шахсий, жамоавий, молиявий манфаатлар, масалан, йирик sanoat корхонаси бренди билан журналист касб этикаси талаблари ўзаро тўқнаш келиши мумкин, аммо бу тўқнашув томонларнинг бир мақсад йўлидаги фаолиятига соя ташламаслиги керак.

Матбуот тарихидан яхши маълумки, журналистлар кўп ҳолларда касб этикаси, ижодкорлик бурчи, фуқаролик масъулиятидан келиб чиқиб, зиммаларига оғир вазифаларни оладилар. Расмийлар, масъуллар, беғам раҳбарлар эътиборидан четда қолган муаммоларни ечишга, яширилган, сохталаштирилган ҳақиқатларни очишга, қора доғларни ювишга ҳаракат қилишди, бу йўлда адолат тикланишига хизмат қилишиб, бунинг урдувасидан ҳам чиқишди. Дунё давлатларида, жумладан, мамлакатимизда ҳам журналистларнинг журъатли кураши билан янги қонунлар, Фармону фармойишлар қабул қилинган, эл-юрт манфаатларига зид қарорлар бекор бўлган, кўп қабил муаммолар адолатли ечим топгани маълум. Матбуот шундай журъатли бўлмаганида биз Уоттергейт, «Моникагейт» машааларидан, ота-бола тасарруфидан бўлган «Ньюс Корпорейшн»га (Англия) қарашли «News of the World» газетаси раҳбариятининг ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларидан беҳабар қолар эдик. Давос форумларидан бирида айтилган «Бизнес ўзининг инсоний қиёфасини йўқотмоқда», деган огоҳликнинг асл маъносини тушунмасдик.

«News of the World» одамларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни қўлга киритиш учун минглаб фуқароларнинг телефондаги сўзлашувларини эшитиб, шахсий почталарини ўқиби, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келган. Таассуфки, журналистларнинг бу жасоратини ҳануз тан олмаётганлар бор. «Матбуот ўз ваколати доирасидан ташқарига чиқмоқда, давлат ишларига аралашмоқда, ўринсиз шов-шув кўтармоқда» қабилдаги эътирозлар ҳамма жойда, жумладан, Америкада ҳам қўлоқда чалиниб туради. Дональд Трамп «Оқ уй» соҳиби бўлган пайтда бунга кўпчилик гувоҳ бўлди.

Дунё мамлакатларида журналистларга бугун ҳам ошқора тазйиқлар ўтказилаётгани, касбдошларимизнинг ҳақиқатни ошқор қилиш йўлидаги ҳаракатлариغا чеклов қўйилаётгани фикримизга далил бўла олади.

1990 йили Денвер шаҳрида (АҚШ) чоп этиладиган «Роки маунтейн Ньюс» газетаси муҳбири мамлакат энергетика вазирлигидан баъзи ҳужжатларнинг нусхаларини олишга ружуҳат сўраганида, унга бунинг учун газета вазирилик ҳисобига оз эмас, кўп эмас – бир миллион доллар маблағ ўтказиши кераклигини айтишди. Журналистлар бу-

ахтариш мутлақо ўринсиз. Матбуот ўз вазифасини бажаришга киришмоқда. Бу жараён ҳамма жойда силлиқ ўтмаслиги аниқ. Буни биргина АҚШ мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сир эмаски, АҚШнинг ҳамиша матбуот эътиборида бўлишни ёқтирадиган собиқ Президенти Дональд Трампнинг журналистлар билан муносабати гоёт мураккаб кечди. Америкада машҳур «Шартнома тузиш санъати» (1987) китобида Трамп шундай ёзади: «Мен анча аввал тушуниб етганим шуки, матбуот қизиқарли, фавқулодда кутилмаган, шов-шувли,

чилар ўзлари ўқиб борадиган нашрлар таъсирини тушиб қоладилар. Сайловга аралашиб, унинг натижаларига таъсир кўрсатиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрларга келсак, биламизки, бизда сайлов натижаларини сохталаштирмастик қатъий қафолатланган, аммо бу қафолатнинг самараси масаласида яқдил фикр йўқ. Негаки, бир қатор ҳуқуқий воситалар мавжуд ва уларга таяниб, натижаларни бемалол ўзгартириш мумкин. Яъни:

АҚШ Конституциясига биноан, Президентни мамлакат фуқаролари бевосита эмас, алоҳида-алоҳида штатлардан сайланган вакиллар сайлашади. Бир штатнинг қанча вакилга эга бўлиши сайлов округидаги сайловчилар сонига боғлиқ. Сайлов округлари ҳудудини аниқлаш эса давлатнинг қўлида. Бунда округ сайловчилари қайси партияди қўллаб-қувватлашлари, албатта, ҳисобга олинади. Демакки, сайлов натижаларини аввалдан режалаштириш борасида ҳар қилиш партияди ҳам сохтакорлик билан шугуллана олади. Улар бу имкониятни қўлдан бой беришмайди. Тахлилчиларнинг фикрича, Колумбия округи ва Пуэрто-Рикога штат мақоми бериш тўғрисидаги ташаббусни бундай ишлар келгуси сайловда ҳам бўлиши мумкинлигини далолат.

Оммавий ахборот воситаларининг сайлов натижаларига таъсирини келсак, АҚШда демократик партия идеологиясини қўлловчи нашрлар республикачилар тарафини олувчи нашрларга нисбатан кўпроқ, аммо консерватив ОАВнинг аудиторияси катта. Сўнги президентлик сайловиди икки рақиб тахминан тенг овоз олишди. Бу – мамлакат матбуоти иккига бўлинди, деган гап. Матбуот холис бўлмаса, одамлар мамлакат раҳбарлигига келаётган сиёсатдонлар тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўладилар.

Компания ва хусусий шахслар ўзларига мақбул номзоднинг сайлов харажатларини қоплашга ҳисса қўшадилар. Бундай ҳисса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Одамлар матбуот хабарлари орқали ким ва қайси компания қайси номзодни қўллаётганини билади ва бу ҳолат уларнинг танловига таъсир кўрсатади.

Фикримча, сиёсий чалғитишни камайтиришнинг самарали йўли – таълимни кучайтириш. Таассуф билан айтишим керакки, Америкада оқни қорадан, ростни ёлғондан фарқлай олмайдиган кишилар кўп. Фуқаролар демократия шароитида зиммаларига тушадиган ижтимоий фаолият масъулиятини тўғри тушунишлари, сиёсий вазиятни таҳлил қила олишлари учун мамлакат таълим тизими самарадорлигини ошириш керак».

Тадқиқотчи журналист Жей Розеннинг номи АҚШ матбуотида кўпларга таниш. У Нью-Йорк университети журналистика факультетининг профессори, биринчилардан бўлиб фуқаролик журналистикасини ҳамюрта қилиб чиққан. ОАВ фаолиятига доир кўп қабил таҳлилий мақолалари The New York Times, Los Angeles Times,

«Мен ушбу сайловда рақибим Байден билан эмас, мени ёмон кўрадиган ноҳалол матбуот билан курашмоқдаман»...



гун ҳам дунёнинг айрим мамлакатларида шунга ўхшаш ҳолларга дуч келишмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Жамият аъзоларининг рост ва тўла ахборотга эга бўлиш, матбуотда чиқиш қилиш ҳуқуқи мустақамланиб бораётгани баъзиларни саросимага солаётгани аниқ. Чунки тиниб-тинчимас муҳбирлар эртага уларни ҳам саволга туттиш, журналистик суриштирув ўтказишлари мумкин. Мамлакатимизда давлат харидлари бўйича танловларнинг «ғолиб»лари ҳақидаги мақолаларни олайлик. Бугун раҳбарлик курсисига ўтириб, хизмат вазифасини хорижда ишлаб чиқарилган кўпчилик румундаги машина харид қилишдан бошлаган раҳбарларчи? Кам даромадли оилалар учун ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишичи? Матбуотнинг бу журъати жамиятда ижтимоий адолат принципларининг қарор топишига хизмат қилмаяптими?!

Журналистлар нуфузли йиғинларда Олий Мажлис палаталари раҳбарларига, депутатлар ва Сенаторларга, республика Бош прокурори, Олий суд раиси, Ички ишлар вазири, қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамда бошқа нуфузли мулозимларга савол билан мурожаат этмоқдалар, тушунмовчилик ва мавҳумликларга аниқлик киритишни талаб этмоқдалар. Ҳурматли вазирларимизга очик хат йўлламоқдалар. Тасаввур қилайлик: бундан атиги тўрт-беш йил аввал шундай журъатга эгамидик? Мамлакатимиз тараққиётининг маълум босқичи учун мўлжалланган давлат дастурлари, қабул қилинаётган қарорлар лойиҳалари муҳокамасида аввал ҳам бугунгидек фаол иштирок этганимиз? Таклифларимиз, инobatга олинганми? Йўқ, албатта.

Қисқа хулоса қилайлик: журналистиканинг бундай фаолиги, «бошқа соҳаларга аралашуви» кимга фойда-ю, кимга зиён? Бу саволга жавоб

ҳайратланарли воқеаларни қидириб юради. Тушунарсиз жойи йўқ, бу йўналишдаги бизнеснинг табиати шундай. Агар сиз бошқалардан оз бўлса, қайсидир жихатингиз билан ажралиб турсангиз, бошқалардан кўра, шартаки, қаттиққўл, қизқонган ва ҳатто жанжалкаш бўлсангиз, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган лойиҳаларга қўл урсангиз, матбуот сиз ҳақингизда жон-жон деб ёзади. Салбий хусусиятлар боис ном қозониш сизни ҳеч ким танимаслигини билан аниқлаш эса давлатнинг қўлида. Бунда округ сайловчилари қайси партияди қўллаб-қувватлашлари, албатта, ҳисобга олинади. Демакки, сайлов натижаларини аввалдан режалаштириш борасида ҳар қилиш партияди ҳам сохтакорлик билан шугуллана олади. Улар бу имкониятни қўлдан бой беришмайди. Тахлилчиларнинг фикрича, Колумбия округи ва Пуэрто-Рикога штат мақоми бериш тўғрисидаги ташаббусни бундай ишлар келгуси сайловда ҳам бўлиши мумкинлигини далолат.

Оммавий ахборот воситаларининг сайлов натижаларига таъсирини келсак, АҚШда демократик партия идеологиясини қўлловчи нашрлар республикачилар тарафини олувчи нашрларга нисбатан кўпроқ, аммо консерватив ОАВнинг аудиторияси катта. Сўнги президентлик сайловиди икки рақиб тахминан тенг овоз олишди. Бу – мамлакат матбуоти иккига бўлинди, деган гап. Матбуот холис бўлмаса, одамлар мамлакат раҳбарлигига келаётган сиёсатдонлар тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўладилар.

Компания ва хусусий шахслар ўзларига мақбул номзоднинг сайлов харажатларини қоплашга ҳисса қўшадилар. Бундай ҳисса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Одамлар матбуот хабарлари орқали ким ва қайси компания қайси номзодни қўллаётганини билади ва бу ҳолат уларнинг танловига таъсир кўрсатади.

Фикримча, сиёсий чалғитишни камайтиришнинг самарали йўли – таълимни кучайтириш. Таассуф билан айтишим керакки, Америкада оқни қорадан, ростни ёлғондан фарқлай олмайдиган кишилар кўп. Фуқаролар демократия шароитида зиммаларига тушадиган ижтимоий фаолият масъулиятини тўғри тушунишлари, сиёсий вазиятни таҳлил қила олишлари учун мамлакат таълим тизими самарадорлигини ошириш керак».

Тадқиқотчи журналист Жей Розеннинг номи АҚШ матбуотида кўпларга таниш. У Нью-Йорк университети журналистика факультетининг профессори, биринчилардан бўлиб фуқаролик журналистикасини ҳамюрта қилиб чиққан. ОАВ фаолиятига доир кўп қабил таҳлилий мақолалари The New York Times, Los Angeles Times,

✓ Халқаро низо

АҚШ Россиянинг режасидан норози

Расмий Вашингтон Қора денгизнинг бир неча ҳудудларида Россия Федерациясининг ҳудудий сувларида чет эл ҳарбий кемалари ва бошқа давлат кемаларининг ўтишини тўхтатиб қўйиш режасидан жиддий хавотирда эканини билдириб, уларни «асоссиз эскалация» деб ҳисобламоқда.

«Бу Москванинг Украинадаги вазиятни бузиш ва беқарорлаштириш бўйича давом этаётган кампанияси доирасида асоссиз равишдаги эскалациянинг яна бир мисоли», – дейилади АҚШ ташқи ишлар вазирилик баёнотида.

Давлат департаменти шунингдек, ушбу воқеалар ривожини Вашингтонда Россия ҳарбий таркибининг кучайгани ҳақидаги ишончли хабарлар фониди Украина билан чегарада алоҳида хавотир уйғотаётганини ҳам таъкидламоқда.

Россия Мудофаа вазирилик навигация ва океанография бошқармаси бюллетенига кўра, 24 апрелдан 31 октябрга қадар Россиянинг ҳудудий сувлари зонаси - Қора денгиз минтақаларида бир қатор хорижий ҳарбий кемалар ва бошқа давлат кемаларининг ўтиши тўхтатиб қўйилган.

Россия илгари бир неча бор Америка Қўшма Штатларига Американинг ҳарбий кемалари Қора денгизга қайси мақсадда кириши ҳақида саволлар билан мурожаат қилган.

Кейинги пайтларда Ғарб давлатлари бир неча бор Украина ҳарбийларининг ўзлари билан чегарада Россия кучларини тўплаши тўғрисида баёнотларидан хавотир билдирмоқда. Россия Президентининг матбуот котиби Дмитрий Песковнинг айтишича, Россия қўшинларининг мамлакат ҳудуди бўйлаб ҳаракатланishi бошқа давлатларни безовта қилмаслиги керак, чунки бу уларга ҳеч қандай таҳдид солмайди.

ЖУРНАТ

олиб ўтади



Salon, Harper's Magazine va The Nation нашрларида босилган. Уларда муаллиф рақамли иқтисодий шароитида матбуотнинг тақдири хусусида фикр юритади. 1999 йили «Журналистлар нима учун керак?» деган китоби чоп этилган.

Таниқли публицист Карим Бахриев истиқлолнинг дастлабки кезлариёқ эндиёқ вазифа йиллар давомида шўроларга садоқат билан хизмат қилган, қозилик, ҳукмфармолик мартабасига эришган салтанат матбуотининг юзини ҳақиқат сари буриш лозимлиги ҳақида ёзган эди. Бу вазифа, бир мамлакат мисолида эмас, умуман олганда ҳам, тўла эмас, маълум даражада амалга ошди, десак хато бўлмайди. Аммо босма матбуот, журналистика эртага ҳам бугунги мавқеини сақлаб қоладики — буни аниқ айтиш қийин. Менингча, профессор Жей Рой «Журналистлар нима учун керак?» деган саволни ўртага шу хавотир туфайли қўйган бўлса керак.

Бундай фикрга келишнинг боиси бор, албатта. Мақсадни ошқор қилиш учун узокдан мисол ахтариш шарт эмас. «Босма нашрларнинг умри тугади, газета-журналларга эҳтиёж қолаётгани йўқ, нима хоҳласангиз, ҳаммаси интернетда бор» дегучи ва бу фикрни минг бир ваз билан асослаб бераётган одамлар (таассуфки, матбуот мутахассислари эмас, матбуотдан узок, соҳага доир маълумоти етарли бўлмаганлар) олисда эмас, ўзимизда, шундоққина ёнимизда туришибди. Оддий ўқувчилар эмас, айрим мутасадди раҳбарлар оғиз тўлдириб шундай дейишмоқда, газета ўқимасликлари, журналистлар билан мулоқот қилмасликларидан фахрланишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қатор олий ўқув юртида журналистика факультетлари очилаётган, қабул квоталари кўпаяётган пайтда бундай ажабтовор иддаолар кўнгилни ғашлайди, албатта.

Нахотки шундай бўлса? Ахборот технологиялари мисли кўрилмаган даражада ривожланган, биринчи жумлани айтиб, иккинчисига улгурмай, фикринг интернет ойнасида зоҳир бўлиб турган бугунги ғаройиб замонда Англия, Япония, Хитой, Покистон каби мамлакатларда адади бир неча миллиондан ошадиган босма нашрларнинг мажбурияти биздаги айрим раҳбарларнинг «башорати» ҳеч қандай асосга эга эмаслигини кўрсатади. Хомтама бўлмаган, босма нашрлар ҳали кўп даврлар бизга маънавий ҳамроҳ бўлади.

Бу хусусда жиддий қайғураётганимнинг боиси, матбуотга беписандликдан умрини журналистикага сарфлаган, сарфлаётган қалам аҳлига ҳурматсизлик келиб чиқади. Бугун «Газета-журналларнинг умри тугади» деяётганлар, борди-ю эртага бизда ҳам «Журналистлар керакми ўзи?» деган савол ўртага ташланса, кулоғига коррупция ботқоғига ботган, ими-жимиди иш битирадиган, кўзбўямачилик қон-қонига сингиб кетган уддабуронлар,

ўзини матбуотнинг химоячиси қилиб кўрсатишга уринаётганлар бош кўтариб, «Шарт эмас, ўзимизнинг матбуот хизматларимиз бор-ку, шунинг ўзи етарли» дейишлари аниқ. Мана, гап қаерда.

Шу ерда бир ҳолатга ойдинлик киритайлик. Босма нашрларга зарурат борлиги улар фаолиятининг доимийлигини кафолатламайди. Буни бор овоз билан эътироф этиш керак. Газетхон, журналхон, китобхон бевафо маъшуқадай шайхонасиз — ёқса бағрига босади, ёқмаса ташлайди-кетеди. Демак, адад, мавқе учун курашда, кимдир ютади, кимдир синади. Бошқа бир хатар — матбуот маблағи бор, қўли узун, аммо журналистиканинг ахлоқий қоида ва қадриятларини тушунмайдиган «соғин сигир»шунисидан қўлига тушиб қолмаса бўлди.

Бугун журналистика хусусида яна бир бахс кўзга ташланмоқда. Ғарбда соҳа мутахассислари узок вақт объективлик ва холислик журналистиканинг муҳим принципиди, деган хулосада қатъий туришди. Бир тоифа олимлар: «Йўқ, одамнинг ўзи табиатан ўзгарувчан, таъсирга берилувчан, бинобарин, одам-журналист ҳеч қачон объектив ҳам, холис ҳам бўла олмайди. Ёзганларига шахсий қарашлари, манфаатлари аралашди кетади. Энг муҳим принцип — шаффофлик», дейишди.

Бу фикрга ҳар икки томон қўшилиши: «Шаффофлик деб ҳамма нарса (шахсий ва оилавий маълумотларни) ошқор қилиш касб этикасига тўғри келмайди. Шаффофлик ниқоби остида мақолага ғараз, ҳасад ва ёлгон қўшилиши мумкин», дейишди кўплар. Бу фикрга суяги газета-журналлар таҳририятларида қотган мутахассислар қўлидагича жавоб қайтаришди: «Журналист ўз фаолиятида мутлақ объективликка эриша олмаслиги аниқ, бунга жамиятнинг ўзи (баъзи ҳолларда муассис) йўл қўймайди, мутлақ шаффофлик эса «ошқоралик» тушунчасини орда қолдириб кетади».

Бу бахс журналист ҳар қандай вазиятда ҳам холисликка риоя қилиши, баъзан кучли босим остида қолишига қарамай, ўзи тўғри деб ҳисоблайдиган, виждони олдида юзи қизармайдиган позицияда қатъий туриши керак, деган фикр билан ниҳоясига етди. Чунки, очерк ёки фельетон якунидаги хулосалар кўпинча ўзини оқламаганига қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Матбуот бадий китоб, санъат асари каби одамларнинг онг-шуурига, имон-этиқодига, турмуш тарзига таъсир кўрсатиши, миллий юксалиш ишида тафаккур чирғоғи бўлиши зарур. Қисқача айтганда, ҳамма нарса ҳамма жойда ва ҳамма вақт маҳорат, журъат ва хабардорлик ҳал қилади. Ҳар қандай мураккаб бахс ва қарашларга айна шу фазилатлар адолатли нукта қўя олади. Маҳорат бўлса-ю, журъат бўлмаса ёки журъат бўлса-ю, маҳорат оқсаса, ҳеч бир муаммо журналист сўзи орқали ҳал бўлмайди.

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
ЎЗМУ доценти



ЎЗИ ҲАМ, СЎЗИ ҲАМ

ЖУРНАТ

Шўролар салтанатининг тагида сув кетган кезлар. Хорижликларнинг келиш-кейтиши жонланган кунларнинг бирида Ливия ҳукуматининг мартабали вакилларидан бири билан Ҳастимомдаги диний идорада матбуот анжумани чақирилди. Бир гуруҳ ижодкорлар қатори бордик. Сафимизда Аъзам Уктам ҳам бор эди. «Сафимизда» деганим бежиз эмас.

Бир гуруҳ қалам аҳли вақти-вақти билан дийдорлашиб турардик. Тоҳир Малик, Эмин Усмон жўрабоши. Ижод кишиларининг гурунги, дийдорлашуви бахс-мунозарадан ҳоли бўлмаслиги табиий. Мен ўзимни камтарин- камсуқум деб юрсам, бу борда мендан ҳам «зўри» бор — кейинроқ разм солсам, Аъзам мендан-да оғир табиатли, ҳар гап-ҳар бахс юзасидан ирғиб чиқавермас, гапиришдан кўра, тинглашни афзал биладиганлар хилдан экан. Лабининг бир чеккасида кулимсираб, бош тебратиб, жимгина ўтириши кўз ўнгимдан кетмайди. Лекин маъюслик аралаш ўйчан нигоҳларидан ичи тула галлиги сезилиб турарди.

Кулса, чехраси ёришиб кетар, кулгисига қўшилиб серхаёл дунёсидан «бу» дунёга чиққандек бўларди.

Хуллас, Ҳастимомдаги учрашув чоғидаги савол-жавоблар асносида меҳмон ўзбек ижодкорларини юртига таклиф қилди. Очғини айтсам, бир лутф қилди-қўйди-да, деб ўйладик. Буни қаранги, орадан икки кун ўтар-ўтмас диний идорадан кўнғироқ бўлиб қолди: ливиялик мартабали меҳмон етти нафар қаламқашларимизни юртига чорлаб, расман хат жўнатибди! Зудлик билан сафар тадорикини кўришимиз керак экан. Рўйхатдагилар орасида Аъзамнинг ҳам исми-шарифи битилганди.

У кезлар хорижга чиқиш бир-мунча мураккаб эмасми, бундай марҳаматдан юраккинамиз ёрил-гудай бўлиб, ҳаракатга тушдик. Бунинг учун, биринчи навбатда виза олишимиз керак. Бундай расмиятчиликни адо этиш учун эса Москвага бориш, Саудия Арабистонининг Иттифоқдаги элчихонасига мурожаат қилишга тўғри келарди. Гуруҳимиз улуғларининг маслаҳатлари билан Москвага бориш-келиш вазифаси каминга топширилди. Уша заҳоти сафар рўйхатидагиларнинг ҳаммалари фуқаролик ҳамда хорижга чиқиш паспортларини тахт қилиб, қўлимга тутқазашди.

— Меники ёнимда эмас, эртага олиб келаман, — деди бамайлихотир Аъзам.

— Эртаси йигилишдик. Ҳамманинг кўзи Аъзамда.

— Паспорт қурмагур топилмапти, — деди у заррача хаяжонланмай.

— Бу қанақаси?! — деди серахтирос Эминжон ака. — Паспорт деган матоҳ тайинли жойда сақланмайдими?!

Тоҳир ака бўлса, одатича юмшоққина киноя қилди:

— Топилмасдан илгари бормиди? Паспорт олганмисиз, ўзи?

— Эртага...

Ўртоқлар Аъзамнинг бемалолхўжалигидан тутақиб, уни гапиришга қўйишмади:

— Эртага эмас, ҳозирок бориб, изланг, топинг, келтиринг!

Яна бир кун ўтди. Учрашдик, Аъзам худди ҳеч қандай ўнғайсизлик



юз бермагандек, елка қисиб турибди. «Топилмапти» деди у.

— Уй-жойнинг, оила аъзоларининг ҳужжатлари жам қилиниб, ҳаммиша тайинли бир жойда сақланиши керак-да, оғайни, — дедим норози бўлаётганимни сездирмасликка уриниб ва Американи янгитдан кашф этаётган одамдек билагонлик қилиб.

— Тўғри, шундай деб эшитганман...

Ушбу жавобда Аъзам Уктамнинг бутун феъли, табиати, одоби-орияти, қолаверса, ўша кунлардаги кайфияти муҳассама эди. Товушини кўтармади, ранжиганини сездирмади, ҳатто олис араб давлатига бориш бахтидан бенасиб қолиши эҳтимолидан афсусланмади ҳам. Ҳаммамиз жон-жон деб турган сафардан муҳимроқ дарди, ташвиши бордек, лекин уни ошқор қилгиси келмаётгандек туюлди.

— Самолёт чиптаси ҳал бўлаверсин, насиб қилса, бериб

юбораман, — деди-қўйди.

Аъзам ёшига хос бўлмаган даражада оғир-вазмин, сермулоҳаза, фикрчан йигит эди. Нигоҳи, сезгиси, туйғулари ниҳоятда нозик ва ана шу нозиклики ўхшатиб ифодаловчи ташбеҳу тимсолларга бой қалби, сўзи, ўзи ўктам шоир эди.

Йиллар ўтди, «Қирқинчи баҳор» деб номланган қалдирғочнинг пати-дек юпка китобчасини ҳада қилди. Уша юпка китобчадан ўрин олган шеърларни ўқиган одам муаллифининг ким, қандай одам, қандай шоир эканлигини, тафаккур тарзини, этиқодини мақсад- маслақларини ҳеч иккиланмай аниқлаштириб олади. Аъзам қалами пухта, дунёқароши шаклланган шоир ўлароқ олам ва одам ҳақида, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, муносабатлар мураккаблиги, қисмат сингари мангу саволларга жавоб излайди. Оила, фарзандлар, оталик бурчи, келажак савдолари, фарз ва суннат амалларига доир қарашларини ғоятда назокат билан мисрама-мисра шеърларига сингдиради. Кўнғилни пошшо, ўзини эса шу пошшога мирзо деб билади. Шеърларида негадир тушкун кайфият сезилади. «Ҳаётдек муъжиза, ҳикматдир ўлим», «Яшашдан бездим» деган иқролари юракка оғир ботса, «Мардлик фарздор, танглик — суннат» сингари неқбинлиги ўқувчини мамнун қилади.

2002 йилнинг 29 январи. Сешанба. Миллий университетимизда шоир Турсун Алининг янги китоби тақдими ташкил этилди. Сўнг бир пиёла чой. Давра тўқис — устоз Абдулла Орипов, адибларнинг чинакам ғамхўри Нуриддин Зайниев ва ҳоказолар ҳозир у нозир. Димоғ чоғ. Айна шодумонлик онлари тўсатдан кўнғироқ чалинди, олдим.

— Хабарингиз бўлди, Аъзамжон ўтиб қолди.

Қайси Аъзамжон эканлигини сўрашга тил бориб улгурмай, сим қоққан дўстимиз совуқ хабарига аниқлик киритди:

— Аъзам Уктам...

Ногаҳон хабар кўнғилни вайрон қилиб юборди. Нима учун шундай танти, мард йигит, қалби ўктам шоир айна қирчиллама ёшида кетди? Нега?! Нима сабабдан орада хабарлашмай қўйдик, меҳр-оқибатни унутдик?!

Бу ёғи одатдаги беҳуда армону афсуслар... Танқис дастурхон ҳам, ширин суҳбат ҳам юракка сиғмади. Астагина даврани тарк этиб, таҳририятга жўнадим. Эртага чоп этиш учун тайёрланган газета саҳифаларини ҳам наридан-бери ўқиб-ўқимай имзо чекдим. Ва, қақирволиб, 30 январь кунги «Хуррият» менинг бош муҳаррирлигимда сўнги марта чиққанини ётиғи билан тушунтириб, айтишди.

... Ҳар сафар «Қирқинчи баҳор»ни варақлаганда, Аъзамнинг «Ҳали ер остига эмасмиз лойиқ» деган мисраси эътиборимни тортади, шундай иқролларини жўмардлик қилиб ёзган шоир дўстимиз бу ёғу дунёни, ўша беғубор, хур ниатли сафимизни жимгина тарк этиб кетгани изтироблари ёдда қолди...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори.

✓ Бу ҳаёт...

ОПЕРАТОР ЖАВОБИНИ КУТИНГ!



Ўзбекистон Муслмонлари идораси фатво бўлимининг Рамазон рўзаси масалалари бўйича кўнғироқ марказидаги (call-center) даги бир оператор айтиб берди.

Навбатчилигимда бир опaxon телефон қилиб сўради:

— 23 ёшли ногирон ўғлим бор. Кўл-оёғи, хуллас бутун танаси ишламайди. Ҳатто гапирилмайди ҳам. Овқатни ҳам чайнолмайди. Ўзим чайнаб бераман, фақат юта олади. Рамазон бошланганига уч кун бўлдики рўзани қолдирмай тутаяман, алҳамдулиллах. Кундузлари

оғзим ёпиқ бўлгани учун ўғлимга ҳар хил бўтқалар-кашалар пишириб бераяман...

Ғали шу ерга етганда опанинг тиниқ овози хиралашди. Бундан кейинги гапларини фақат йиғлаб гапирди:

— Лекин ҳадеб бўтқа егиси келмапти. Оғзига солсам қақариб ташляпти. Бошқа овқат егиси келаяпти.

Бошқасини эса чайнаб беришим керак. Болажонимнинг олдида ҳали ҳеч бунга оғиз бўлиб қолмаганим. Бир ёқда ибодатим чала бўлмасин деб қуйиняман. Бошқа ёқдан эса болам бояқиб очликдан азоблан...

Опа хўнраб йиғлаб юборди. Узига келишини кутиб турдим, яна давом этди:


— Хуллас ҳолат шундай. Энди айтсангиз, илтимос, оғзим ёпиқлида овқатни чайнаб берсам рўзам бузилмайдимми?

Аслида бу оддий масаланинг жавобини билардим. Лекин ҳозир эшитганларим ҳаёлимни бутунлай банд қилганидан, тилим жавобга айланмай қолди. Неъматлар ҳақидаги, инсоннинг ношукрлиги ҳақидаги оят ва ҳадисларни шу сонияда англай бошладим. Опа сўраган масаланинг ҳукмини эса унутиб қўйдим. Айтганим шу бўлдики:

— Масалани аниқлаб, сизга кўнғироқ қиламиз. Илтимос, оператор жавобини кутинг...

@Shayx_Hazrat

МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ Ва музикаий мафкура



Манбаларда қайд этилишича, ўрта асрларда музика маданиятининг ривож топиши Мовароуннахрнинг араб-мусулмон маданияти доирасига жалб этилиши билан боғлиқликда кечган. Ушбу давр миллий маданият, илм-фан, адабиёт, санъат, ҳунармандчилик, архитектура ва фалсафий хурфикрликка асос солган. «Мусулмон Ренессанси» сифатида ҳам эътироф этилади. Бу жараёнда йирик шаҳарлар маданияти алоҳида ўрин тутганини қайд этиш жоиз: Марв, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Нишопур, Гурганч, Хива ва Хўжанд каби шаҳарларда маданий ҳаёт сезиларли даражада жонланган.

IX асрга келиб мусулмон Шарқида шаҳарлар ҳаёт тарзи умумий бўлиб, марказлардаги воқеа-ҳодисалар бир вақтнинг ўзига бошқа ҳудудларга ёйилар эди. Худди шунингдек, янги удумларга асосланган музика фалсафасининг шаклланишига Ислом динининг кенг тарқалиши, масжид ва мадрасалар, кутубхоналарнинг барпо этилиши ҳам ижобий таъсир қилди. Шу ўринда зиёлилар, айниқса, илм аҳлининг мавқеи юксалгани, адаб (ислом этикетининг) нозик жиҳатларини ўзлаштирган адиблар (зиёли мусулмон-аристократ) учун маърифат ва заковат бирламчи заруратга айланганини қайд этиш жоиз.

IX-X асрларда илм-фан, маданият ва санъатнинг барча турлари равнақ топиб, ушбу замандан буюк мутафаккирлар, уламою фузалолар етишиб чиқди. Утмиш маданият ва маънавиятимизга тааллуқли ёзма манбаларнинг асоси ҳам айна шу даврда яратилди. Хусусан, Абу Юсуф Яъқуб ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий, «Ихвонус-сафо», Абу Али ибн Сино, Мухаммад ал-Хоразмий, Фахриддин Розий каби қомусий алломаларнинг оламшумул асарларида кейинги асрларда яратилган музикаий-назарий ва музикаий-фалсафий қарашларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

ИЛМИ МУСИҚИЙ
Йирик маданий марказларда музика санъатининг ривожланиши IX асрдаёқ мустақил фан – илми музиканинг қарор топишига замин яратди. Шу ўринда музика илми махсус рисолалар ва қомусий асарлар асосида жиддий ўрганила бошланганини айтиш керак. Фундаментал асарларда эса тадқиқотларга оид йўналишлар доираси пайдо бўлди. Агар умумий натижалар сон ҳамда сифат нуқтаи назаридан баҳоланса, илмий-фалсафий умумлашмалар савияси, мавзунинг кенг қамровлиги ва таҳлилнинг теранлиги нуқтаи назаридан ушбу давр музика илми тараққиётида ўта аҳамиятли бўлганини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, музика илми бошқа илмлар каби, фаол маданий «олди-берди»лар ва ижодий пайвандликда ривожланди. Бунда бир халқ эришган ютуқлар бошқа бир халқнинг яратувчанлик салоҳияти билан бойиди. Маданий-тарихий шарт-шароитнинг ўзгариши билан эса санъат тараққиётидаги етакчилик гоҳ бир халққа, гоҳ бошқасига ўтиб, бадий марказларнинг гоҳ у шаҳардан бунисига «кўчиб ўтиши»га сабаб бўлди.

«БАЙТУЛ ҲИКМА» АКАДЕМИЯСИ

Мусулмон Шарқида юнон илм-фанига қизиқиш IX асрда Бағдодда «Байтул ҳикма» академиясининг пайдо бўлиши билан кескин кучайди. Хусусан, қадимги юнон трактатлари ва дастлабки музикаий рисолалар таржима қилина бошланди. Зиёлилар Бағдод мутаржимлар мактабининг арабча таржималари орқали Пифагор ва унинг издошлари – Платон, Аристотель, Аристоксен, Псевдо-Эвклид, Птоломей каби буюк юнон мутафаккирларининг илмий мероси билан таниша бошладилар. Шу тариқа илми музика учун ҳам янги ижтимоий-сийсий муҳит ва анъаналар шакллана бошлади.

Юнон музикаий-илмий меросини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида Шарқ алломалари тақлиддан холи бўла олмас эдилар. Аксинча, илк тақлидонга таълимлар Шарқ мумтоз музика назариясининг пайдо бўлиши жараёнидаги зарурат бўлиб, унда қадимги юнон мантқиғи, фалсафасининг қўлланилиши илмий-услубий аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, бу тамойил то ўрта асрлар охирига қадар (араб ёхуд форсийзабон муаллифларнинг қарашларида) у ёки бу даражадаги тақлид кўринишларида) давом этди.

МУСИҚА МАТЕМАТИКА ТАРКИБИДА

Мусулмонлар музикани юнонлар таъсири остида, шунингдек, математиканинг бир қисми сифатида ўргана бошлаганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ўринда Абу Юсуф Яъқуб ал-Киндий (ваф. 870-873) музика бобидаги биринчи олим ҳамда «барча араблар файласуфи» ҳисобланган. У юнон трактатларини таржима қилиб, нафақат юнон атамаларининг арабча номланишини (юнон, музика-араб, ал-музикаий) жорий қилди, балки Пифагорнинг «мукаммалик» методларини ҳам амалиётга татбиқ этди. Бунда музикадаги бўъд (интервал)лар катталикларининг нисбати математикадаги оддий сонлар нисбати сифатида кўриб чиқилди. Ал-Киндий интерваллар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириб, биринчи марта музикаий нагмалар ва куйларни араб ҳарфлари ва уд чолғуси дастаси ёрдамида қоғозга туширди. Бунда у юнон лираси (кифара)дан тамомила воз кечиб, уни удга алмаштирди. Шу тариқа у юнонлар таълимотини мусулмон оламининг музикаий амалиёти билан боғлашга муваффақ бўлди. Энг аҳамиятлиси, ўша даврдан эътиборан музика илмида уд энг мукамал чолғу сифатида қарор топди.

Кейинроқ Ал-Киндийнинг илмий анъаналари давомчиси сифатида икки таниқли файласуф – Абу Наср Ал-Форобий (ваф. 950 йил) ҳамда Абу Али ибн Сино (ваф. 1037 йил) майдонга чиқдилар.

Давр тақозоси билан ўрта асрларда илмий тадқиқотлар асосан араб, кейинроқ, форс ва туркий тилларда ёзиларди. Бироқ, бу ўрта асрлар илм-фани, хусусан музика илмини тор маҳаллий-этниқ хусусиятлар нуқтаи назаридан баҳолаш керак, деган фикрни келтириб чиқармайди. Яъни, Абу Наср ал-Форобийнинг «Китобу-л-музика ал-кабир» асари Ҳалабда, Абу Али Ибн Синонинг «Жавомеъ



илм ал-музика» асари Урганч ва Ҳамадонда, Сафиуддин ал-Урмавийнинг «Китобу-ладвор» ва «Шарафийя» рисолалари Бағдодда, Кутбиддин аш-Шерозийнинг «Дуррату-т-тож ли ғуррати-д-Дебож» қомуси Табризда ёзилган бўлса, уларни фақат Шом, Мовароуннахр, Ироқ ёхуд Эрон (Озарбайжон) музикасигагина тааллуқли дейиш нотўғри бўлди. Мазкур асарларда музика санъатининг муайян турлари, маҳаллий-этниқ хусусиятларига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлса-да, улар, асосан, музиканинг туб қонунлари ва назарий асосларини кенг қамровли илмий-фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ўрганишга қаратилганини унутмаслик керак.

«ЭСКИ» ВА «ЯНГИ» МУСИҚАНИНГ ТЎҚНАШУВИ

Мовароуннахр музика маданиятининг IX-X асрларга хос бўлган бир неча хусусиятлари бўлиб, ушбу санъатдаги бадий-эстетик, услубий йўналишлар ва гоёвий тамойилларнинг ўзаро таъсирдаги мураккаб ҳамда зиддиятли ривожланиш жараёни айна шу даврга тўғри келди. Хусусан, Мовароуннахр ва Эрон халқларининг «эски», Исломгача шаклланган ва ривожланган музикаий услублар, жанрлар ва шакллари янгича урф билан тўқнашиб, ҳаётнинг янги мафкуравий ва ижтимоий-сий

сий муҳитига мослаша бошлади. Илгари асосан мифологик образлардан озикланган музика санъати энди шаклий ўзгаришларга юз тутиб, янгича мазмун билан бойиди. Бу жараён Мовароуннахрда ҳам асосан турли этник ва бадий анъаналарни уйғунлаштира олган йирик шаҳарларда кечди. Шу тариқа шаҳарлар музика аҳолининг турли ижтимоий қатламлари эҳтиёжига бўйсундирувчи бош маданият ўчоғига айланди.

«РАЗМ» ВА «БАЗМ» МУСИҚАСИ

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, барча замонларда ҳам музика фалсафасига жамиятдаги ҳукмрон табақанин маънавий ҳаёти таъсир этиб келган. Юқорида қайд этилаётган давр ҳукмдорларининг ҳаёти ўша пайтда асосан икки қарама-қарши машғулот – «разм» ва «базм» (уруш ва зиёфат)ларда кечарди. Музика эса, ўз навбатида, етакчи қатлам ҳаётининг лаззатбахш омилларида бирига айланганди. Бу ҳақда ўша давр вақили Кайковуснинг машҳур «Қобуснома»сида ҳам қизиқ маълумотлар келтирилган.

Сарой музикачиларининг моддий аҳоли ҳомийларнинг марҳаматию ҳимматига боғлиқ эди. Одатда, созанда ва хонандалар кийим-кечак, от-улов ва бошқа ашёлар билан, шунингдек, олтин ва

кумуш тангалар билан сийланар, музикадан бохабарлик ва чолғуда ижро эта билиш давр зиёлисининг муҳим фазилати ҳисобланарди. Масалан, подшоҳ надимлари (хос суҳбатдошлари) учун қатор илмлар, ҳунар ва санъатлар билан бир қаторда музикани ҳам билиш зарурат эди: «Яна керакдурким, надим шоирликни ҳам билсин ва форсий, арабий байтларни кўп ёд ўқисин [...] Бундин бошқа, надим илми тиб ва илми нужумни ҳам билсин, токи табиб ва мунажжим керак бўлса, сен бу бобда ҳам билгонингни баён қилгайсен [...] Яна созандаликдин ҳам хабардор бўлгайсан, токи подшоҳ бир хилват қилса, мутриб бундай хилватга қира олмаса, сен саз чертиб вақтинни хуш қилгайсан...» (Кайковус «Қобуснома». – Т.: Истиқлол, 1994. 131-132-б.).

Ҳукмдорлар орасида назм ва навлонинг илмий ва назарий жиҳатларини яхши биладиларини ҳам бор эди. Масалан, хоразмшоҳ Мазмуннинг шеърят ва музикага мойиллиги ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. (Байковус. История Масуду. Пер. с перс. А.Арендса. – М., 1969, 809-б.).

Сарой машшоқларига тегишли қоидалар «Қобуснома»да ҳам акс этган. Бунда ҳукмдорларнинг истеъмолчи сифатидаги диди, уларнинг музика ва музикачиларга муносабати очикдан-очик баён этилган. Унга кўра, музикачининг асосий мақсади олийнасаблар мажлисида ҳозир бўлганлар раъйига кўра хизмат қилиш ва имкон қадар кўпроқ «танга» топишдир: «Агар назирсиз устод бўлсанг ҳам мажлис ичидаги ҳарифларга қарағил агар музикаийдан завқ олгунчи қарилар ва хос одамлар бўлса, мутриблик қил, яхши йўллари ва наволарни четгил [...] Яна диққат қилиб қарағилки, мазкур базмда ҳар киши қайси йўлни яхши кўради, шу кишига коста еган чоқда уни айтгил. Ундай вақтда ул одамлардин бирор нарса умид қилсанг, шуни топасан...» (Кайковус «Қобуснома». – Т.: Истиқлол, 1994. 126-127-б.).

МУСИҚА БОЗОРИ

Музикачилик наслданасла ўтадиган касбдир. Баъзан, қуллар ва ҷурилар орасидан ҳам музикага қобилиятлилари танлаб олиниб, улардан киборлар кўнглини овлайдиган мутрибу муғаннийлар тайёрланган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннахр ва Хуросон шаҳарларидаги қул бозорлар ва савдо расталарида музикачи-жорилар соҳиблари (Жуковский В. Жизнь и речи старца Абу Са'ида Мейхенейского. Перс. текст. – СПб, 1899, 75-б.)

Музикачилик касби ижрочилик фаолиятининг бир неча турини қамраб олган: хонанда ёки чолғучи («мутриб», «музикар», «хуниягар», «созанда», «навозанда» каби атамалар билан ифодаланган. Шу билан бирга, қаторда шеърларни декламация қилида ижро этувчи «қаввол» музикаий-шеърӣ машғулот ҳам вужудга келган. Одатда, қаввол сўфийларнинг самоъ маросимларида иштирок этган. Шунингдек, ғазал жанрининг кенг ёйилиши муносабати билан музикачининг янги касби – ғазалхонлик пайдо бўлган.

Ижрочиликнинг айрим кўринишлари, шунингдек, чолғуларнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан ҳам боғлиқ эди. Бир неча чолғуда бирдек маҳорат билан ижро эта оладиган беназир созандалар ҳам бўлган.

Бу даврда Мовароуннахр чолғуларининг кўп турлилиги билан ҳам ажралиб турган. Профессинал ривожланиши ва тарқалиши билан ҳам боғлиқ эди. Бир неча чолғуда бирдек маҳорат билан ижро эта оладиган беназир созандалар ҳам бўлган.

Шу замонда ҳукмдорларнинг ҳаёт тарзи музиканинг сарой доирасидаги вазифаларига ҳам таъсир кўрсатди, музиканинг кўнгилоҷар ва ҳарбий-амалий йўналишда ривожланишига ҳам омил бўлди. Кўпгина шаҳар ҳокимиятлари қошида музикачилар лавозими ҳам жорий қилинган. Улар учун арқда махсус жой – «нақорахона»лар ажратилиб, турли сигналлар (ҳарбий юришларнинг бошланиши, элчини қарши олиш, тантанали чиқишлар ва б.) шу ердан туриб узатиларди. Шу тариқа музикачиларнинг икки асосий гуруҳи пайдо бўлади. Биринчиси, базму зиёфатлар, мажлисларда хизмат қиладиган гуруҳ бўлиб, хонанда, торли ва пуфлама чолғулар ижрочилари, шунингдек, қўлоқни қоматга келтирмайдиган (ёпиқ майдонда ижро этиш учун мўлжалланган) зарбӣ чолғулар ижрочилари иборат эди. Иккинчиси, ҳарбий-амалий вазифани бажарадиган гуруҳ бўлиб, унинг таркибига қарнай, ноғора каби очик майдонда ижро этиладиган жанрдор чолғу ижрочилари кирган. Бундай бўлиниш, атоқли олим Файзулла Кароматининг қайд этишича, кейинчалик ўзбек миллий чолғу ансамбллари икки асосий тури вужудга келишига олиб келган (Караматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). – Ташкент, 1972, 218-б.).

Ушундай даврларда олимлар, шоирлар, ҳунармандлар ва аҳолининг бошқа табақалари орасида ҳам музика кенг оммалашган эди. Тассаруфларида музикачи-хизматкорлари бўлмасда, улар ўз мажлисларида музикачиларни четдан тақлиф этардилар. Баъзи олим ва шоирларнинг ўзлари ҳам моҳир музикачи эдилар. Хусусан, ўрта асрларга оид манбаларда ал-Форобийнинг тенгсиз музикаий иқтидори ҳақида ривоятлар келтирилган. Шунингдек, Ибн Синонинг ўз хонандида илмий мунозаралар ўтказиб тургани ва бунда музикачиларнинг мунтазам иштирок этганлиги хусусида ҳам маълумотлар бор.

Латофат ТОЛИБЖОНОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети
«Фалсафа тарихи»
кафедраси магистранти

Жиззахлик депутат аёллар фаолиятдан

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Назира Мухторованин амалий кўмаги билан 9 ойдан буён Реабилитация ва мослаштириш марказининг Жиззах вилояти бўлимида вақтинчалик яшаб келаётган 3 нафар аёл уй-жой билан таъминланди.



Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Утағул Байжанова томонидан Зафаробод тумани «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчи 10 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож аёлга тикув машиналари олиб берилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.




Халқ депутатлари Зарбдор тумани Кенгаши депутати Фаинна Гилязитдинова раҳбарлигида эса хотин-қизлар учун тикувчилик курслари ташкил этилиб, 17 нафар ишсиз аёл мазкур курсларга жалб этилди. Жиззахлик яна бир депутатимиз эса колонияда ота-онасидан ёлғиз қолган қизни фарзандликка олди.



Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Зулайхо Раззоқова ташаббуси билан тадбиркор Фурқат Каримов ҳомийлигида 16 нафар кам таъминланган талабанин 94 миллион сўмлик шартнома пуллари тўлаб берилди.



Азиз партиядош! Сиз яшаб турган ҳудуддаги депутат аёллар фаолияти қандай йўлга қўйилган? Сайловчилар улардан розими? Марҳамат, улар ҳақидаги маълумотларни таҳририятга юборинг. Биз эса уларни сайловчиларга етказамиз.



Шаҳноза ЮСУПОВА,
партия Жиззах
вилояти кенгаши етакчи
мутахассиси

ДУНЁНИ ЯХШИЛАР УШЛАБ ТУРАДИ



Шундоғам эсайдан селжиб бўлган, тебраниб-тебраниб ётган бу дахри-дунни «яхшилар ушлаб қолади», деган гап умуман янгилик, фавақулдодда ўйўй, деб юборадиган қанотли ақида эмасдир. Чунки яхшилик бўлмаса, дунё аллақачон ёзувчи оловидо күйиб, кул бўлиб кетишини бугунги одамлар англаб бўлдилар. Айниқса, инсонийлик ақидаси ердан кўтарилиб бораётган замонамизда ёруғлик истоган кимса борки, кўнглидан шу гап кечади. Ёзувчи Абдусайд Кўчимовнинг «Бинафша» ҳикояси қахрамони Бинафшани ҳам ҳаёт сиробидо чирпирак, гарқ бўлиб кетишидан шу яхшилар асраб қолади. «Асар яхши одамлар бўлмаганда бу дунё тарикдай сочилиб кетарди...» – дейди у.

Мен Абдусайд ака ҳақида ўйлаганимда, негандир шу ҳикоя ёдимга тушаверади. «Жони бор» бир қиссанинг юкини ортган бу ҳикояда аёл олами ва унга қарши турган бешафқат дунё зиддиятлари лиро-эпик тарзда шу даражада аниқ-тиниқ тасвирлангани учунми, ўзини йўқотиб қўймаган гўзал, унча-мунча эркадан баланд турган Бинафшани дастлаб айёр ва тилёглама, бу ҳам орини ордона кўйиб, шон-шухрат остига таппа тушадиган жиб-лажибонлар тоифасидандирди, адиб бундан нима ахтар-дийкин, эссизгина, ҳикоянинг қадами бошданоқ нотўғри кўйилибди, деган ҳаёлга боргандим. Йўқ, асарни ўқиш палласида Бинафша мени тамоман ўзи билан эргаштира бошлади, унинг қаршисида турган Ботирни ё ўзиммикин, деган бироз таҳликали ўй оғушида турганим ҳам рост. Кейин сезиб қолдим, Абдусайд ака ўз қалбидо чўккан ҳаёт ҳақиқатларига бадийи оҳанг ва бўёқ бериб, жон киритиб тасвирлаган эканки, Бинафшага нисбатан уйғонган ғайирона фикрларим тумани баҳор офтобининг ёрқин ва тиниқ нурларига дош беролмади. Мен Бинафшани ёқтириб қолдим. Худди Шукур Холмирозавнинг «Булут тўсан ой» ҳикоясидаги Гулсарага дил болаганим, Нодар Думбадзенинг «Кукарча» қиссасидаги Ингани, «Абадият конуни» романидаги Марияни севиб қолганим каби Бинафша ҳам юрагимда гул ва нур сочиб муҳаббат тимсолига айланди.

Ҳа, Бинафшанинг, бўронлар забтига дош берган Бинафшанинг қалбидоги илоҳий бир қудрат отабини ҳис қилдим. Ҳикоя мени тамоман ўзига жалб этди. Адиб ботинидаги оғриқ ва севиғи ўти орадан яна анча йиллар ўтгандан кейин яна гурллаб ёна бошлайди. Аслида, бу ўт ўчганмиди? Йўқ. Менга хуш келгани ёзувчи ўзини ҳам тафтиш қилгани, юрагини гапиртирган, ўйин қилгани, адиблик қисматиға маккорлик билан терс қарамагани бўлди. Ҳикояни муҳаббат ҳақида десангиз ҳам, бир инсоннинг, аниқроғи, бир аёлнинг ҳаёт йўли десангиз ҳам, ўзингиз биласиз, аҳволи руҳиятингиздан

келиб чиқиб хулоса қилаверинг. Мен ҳикоя муҳаббат ҳақида, бу қадимий туйғу ўтида ўзини ҳалок қилмаган инсонларнинг тақдир битиги борасидаги гўзал бир дoston деб ҳам билдим. Бинафша адлқад, гўзал. Худойим хусни тароват ва ақлу фаросатдан қисмаган. Қисмат бир бора улқотирган кезде ўзини ўнглаб олишга улгурган аёл. Тошдай қаттиқ, пўлатдай метин бўлиб яшамаса, бу дунёда эпкинга эрмак, текинга тиргак бўлиб қолишини жон-жони билан ҳис қилган аёл. Шунинг учун ҳам у синмаган, энди уни синдириш, эғиш амри маҳол. Фақат ишонч ва далда берадиган суянч керак, бетаъма, бегараз унинг ёнида туришга шай кимса, ҳеч курса, сен тўғри қилаясан, тўхтаб қолма, дейдиган инсон бўлса бас. Бинафша қалбидо мавж урган муҳаббат туйғуларига ҳаққи, қачонлардир ўз инон-ихтиёрини маҳв этган севиғи хурмати яна Ботирга юкинади, унга интилади.

Бинафша буй қўрсатишга чоғланган мухит соф эмасди. Тўлишган, дуркун чоғи олий даргоҳни битириб иш сўраб, телевизорчи бўйинбоғларнинг ёнига боради. Хом сут эмган бандо, мен бу ерга жуда керакман, мен ўз касбини севаман, ҳали машхур суҳандон ёки тележурналист бўламан, деган ҳаёллар оғушида юрган қиз шўрлик айрим ювқисизларнинг кир урган нигоҳлари олдида ер чизиб қолади. Телевидениеда ишлаш осонлик билан бўлмаслигини кимлардир унга писанда қилади. Писандани посангиси эса «постел»га қараб бурилади. Хуллас, бутун бир миллатга маънавий зиё улашадиган телеойнага Бинафшанинг чехраси сигмайди. У аввал тўшак, кейин ишга кирасан, деган ипирисқиларининг юзига мағрур боқиб, ижирғанади ва бу даргоҳни тарк этади. Қизиқ, миллионлаб одамларнинг хонадонига «телезие» улашмоқчи бўлган айримларнинг ўзини Худо уриб кетган бўлса, яна тонгу тун томошабинларга покизалуғи пок-домонликдан, ёруғ келажакдан ваъз айтишга молшан даргоҳнинг ичида ана шундай ноқис кимсалар ҳам ўрнашиб

олган бўлса, келиб-келиб ишинг шуларга тушиб турса, дардингни кимга айтасан? Бинафша буларга қўл силтади, кетди, бу бетавфиқлардан олис юришни ихтиёр этди. У кейин кинода омадини синаб кўрмоқчи бўлди. У ерда ҳам шу: сени юлдуз қиламан, аввал менинг бағримда порла, дегувчи оч қашқирларга дуч келди. Уларнинг айримлари жуда кекса, «жунлари тўкилиб» абгор бўлиб қолишган, лекин қашқирлик қони сўлагини қиздириб турарди. Бинафша бундай нокаслар тўдасидан ҳам ўзини омон сақлаш учун тезда келгувчи шон-шухрат ёғдусидан юз ўгирди. Инсон учун ўзи, ўзлигини асраб қолишдан оғир синов йўқ эканини англаб етган Бинафша, нима бўлганда ҳам, тақдирнинг гаддор гирдобидо чилпарчин бўлиб, синиб кетмаслиги учун, не бир қийинчиликларни бошидан кечирмади. Топталсам, тупроққа тенг бўламан, кейин ит ҳам, бит ҳам мени босиб ўтаверади, деган тушунча билан ўзини сақлай олган аёл нега бугун Ботирнинг қаршисида ожизона бош эгиб турибди, нега у Ботирни, ўша олисдаги муҳаббат шульасини ўз қошига чорлади? Бу ожизликми, аёлликнинг мўртлигимми, нима бу?

Ана энди ҳикоянинг мушоҳадага чорловчи нуқтаси сизни безовта қила бошлайди. Қанчалик мағрур ва кучлисан, тананг деворлари нечоғлик зирхли бўлмасин, инсонга хос бир туйғу, ёлғизликни ҳис қилиш туйғуси метин иродангни ҳам емира боради, ёлғизлик инсонни ич-ичидан маҳв этади, ёлғиз одам ботинан тўкилаверади, нураб боради. Атрофингдаги гўж-гўж одамлардан не наф, агар сени ёлғизлик юки эзиб турса... Мағрур ва қайсар, тошбардош аёл қисматининг энг оғриқли нуқтасини маҳорат билан тасвирлаган адибнинг ўзи ҳам унга гоҳ ҳайрихоҳ, гоҳ қарши бўлади. Чунки Бинафшанинг бошидан ўтган кунларнинг ўзи бир фильм ёки қиссанинг белини букар даражада зиддиятли эдики, Ботир унинг ҳикоясини тинглаб, гўзал аёл қошида ўзини ҳам айбдор ва ожиз сеза бошлайди. Ёзувчи ўз қахрамони орқали ўзини имтиҳон қилмаётганини, де-

ган ўйга ҳам боришингиз мумкин. Бинафша ҳаётнинг ўзига хос бир мавзусини олиб кино қилмоқчи, шу фильмга сценарий керак, унинг хомаки қурилмаси ҳам тайёр. Фақат Ботир шу нарсани ёзиб берса бўлди. Кино оламида энди таниқли режиссёрга айланган Бинафша бўлажак фильм сценарийсининг қисқача мазмунини айтиш баҳонасида ўз бошидан кечирган кўргуликларни ҳам бирма-бир гапириб беради. Шу ўринда «кино ичида кино» пайдо бўлади, ахир, аёлнинг кўрган кечирганларининг ўзи ҳар қандай фильмнинг «эсини оғдириб» кўяди-ку, шунинг ўзи даҳшат кино-ку, нима қиларкин, Ботирга бошқа бир мавзудаги фильмнинг сценарийсини гапириб? Такрор айтаман, Бинафша ўз ҳаётини кинотасмага олган тақдирда ҳам инсон қалбини изтироб алангасига соладиган даражадаги фильм бўлиши мумкин эди. Агар у шундай қилганда ўзи сузиб бораётган кемани биринчилардан бўлиб тешган ва бу кеманинг боши охири кўриниб, сир-асрори оламга ёйма гилам бўлиб қоларди. Аёл буни истамасди, бир ҳовуч пасткашлар қилмиши деб вақт кетказишни хоҳламади, ҳаром-харишни ўзига эп кўрганлар дунёсини санъатнинг тоза оламига олиб киришни истамагандир, эҳтимол.

Адиблар кўпинча ўз юрагида узоқ вақт сақлаб юрган ижод юкини, ҳикоя, қисса ё романи, кўксига оғирлик қилгач, кўтаролмай қолишади. Йиллар давомида қалбда этилиб бўлган асарни қозғога туширишинг ҳам гаштли, ҳам хавфли томони бор. Гашти шундаки, бундай асар тез ёзилади, завқ билан тўкилади, юрагининг ўзи гапириб туради, сен ёзаверсан, ёзаверсан, оҳангини топиб олсан бўлди; дарвоқе, бундай асарлар ўз оҳанги билан тўгилади. Хавфли томони эса сен ўзингни ҳам, асарингни ҳам алдоломайсан, бевосита ўзинг иштирок этасан, минг бир йўлга бош суқиб тайсалласан ҳам, асаринг сени ўзи қомига тортиб кетаверади, сен ўзингни фош қила бошлайсан. Ҳа, юрагинг гапиргандан кейин ёзганларингда ўзинг буй

кўрсатиб қоласан. «Бинафша» ҳикоясида адиб бевосита таниш ҳаёт манзараларини тустугал чизиш асносида ўз ички дунёсини ҳам намён этган асар иштирокчисига айлана олган. Худди Шукур Холмирозавнинг юқорида айтилган ҳикояси, Нодар Думбадзенинг асарларидаги каби. Адабиётда бир ақида бор; яхши адиб нима ёзмасин, энг аввало, ўзи ҳақида ёзади, ёзганлари адибнинг ўзига ўхшайди. Абдусайд ака ёзувчи сифатида ҳам, инсон қаторида ҳам яхшиликка интилган, эзгулик нури билан ботинини чароғон этган зот. Бировга ёмонлиги йўқ, дунёнинг ҳашаки нимарсаларига муққасидан кетиб, улар билан чуваллашиб ётмайди; мен билганимни, у киши ҳақидаги хулосаларимни айтялман. Кимлар биландир қасдлашиб, ҳадеб пачакилашиб, ўзини ерга кўтариб ураверишдан нима фойда? Бу чарху дун куйинганинга арзирмикин ўзи? Буни билган ва дунё моҳиятини «Бинафша»дек асарларига сингдириб юборган адиб икки-чикирларни орта ташлаб кетаверади, юрагида кини-адovat сақлаб юрмайди, кулиб қўя қолади. Бировга қилган яхшилигини миннат этмайди.

Адиб ижод ва ҳаёт оралигида не бир яхши-ёмон кимсаларни кўрмади. Мансабу мартаба отида юрган кезларда манманлик қилмади, каттага ука, кичикка ака бўлди. Шундай яшаш тарзини табиийлик деб билди. Отлиқ кунларда ўзгармаган, отсиз дамларда эса ўзини олдирмаган, тушунликка тушмаган чавондознинг ҳайбати ҳавас қилгучи бўлади. Абдусайд ака ҳам отлиқ-отсиз кунларда бир хил, самимий дўст, яхши устоз бўлиб қолди. Йигитнинг нони бутун бўлса, уни ҳеч ким ололмайди, ризқни ҳам, мартабани ҳам Аллоҳим беради. Барча мартабалар ичида эса Инсонийлик мартабаси юксакроқдир. Узоқ йиллардан бери катта лавозимларда ишлаб, бугун ҳам элу юртга хизмат қилиб келаётган устоз адибимизга одамийлик ва адиблик мартабаси қутлуғ бўлсин деймиз. Омон бўлинг, ака!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

✓ 20 апрель кун...

Навоий вилоятида неолит даврига оид шахта борлигини биласизми?

1406 йил (бундан 615 йил олдин) – тарихчи олим Фасих Аҳмад Хавофийнинг қайд этишича, Даргузин мавзеси атрофларида ўттиз ёшли те мурий шахзода Пирмуҳаммад кўшинлари йигирма тўрт ёшли амакваччаси Абу Бакр кўшини билан тўқнашди. Уртада қаттиқ жанг юз берди. Натижада иккала тарафдан тўрт мингга яқин отлик ва пиеда аскар ўлдирилди. Жангда амирзода Абу Бакр ғалаба қозонди. Абу Бакрнинг туғишган укаси Умар Мирзо ва бошқа шахзодалар қочиб кетдилар, амирзода Абу Бакр эса қайтиб келиб бўлган жанг тўғрисида маълумотлар йиға бошлади. Унга амир Умар Тобон ва амир Зийрак жангда беҳафсалалик қилганларини айтдилар.

Мирзо Самарқандга етиб келиб, Шайх Нуриддин исёнини бостирди.



1904 йил (бундан 117 йил олдин) – Ўзбекистон халқ ҳофизси Маъмуржон Узоқов

кўрсатган маданият ходими Музаёяна Алавия таваллуд топди (вафоти 1988 йил). У халқ ижодкорларидан кўплаб фольклор асарларини ёзиб олган ва нашрга тайёрлаган. Ўзбек халқ кўшиқларининг бадийи-эстетик хусусиятлари, маросим фольклори бўйича тадқиқотлар олиб борган.

1914 йил (бундан 107 йил олдин) – ўзининг Кўқон сафари ҳақида Қозон университетини қошидаги археология, тарих ва этнография жамиятига йўллаган ҳисобот маърузасида шарқшунос-туркшунос олим Аҳмад Закий Валидий наманганлик Муҳаммадхожи Эшон Лопареш исмли кишининг шахсий кутубхонасида «Кутадғу билиг»нинг араб ёзуви билан кўчирилган нусхаси мавжудлиги ҳақида хабар берди.

кентдаги Асосий кутубхонага келтирди. Орадан бир йил ўтгач, «Маориф ва ўқитувчи» журналида бу нусха ҳақида катта мақола нашр қилинди.



1982 йил (бундан 39 йил олдин) – Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудлари асосида Навоий вилояти ташкил этилди. У 1988 йилда маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, 1992 йил бошида қайта тикланди. Навоий вилоятида қадимги давр ва ўрта асрларда қурилган ўндан зиёд меъморий ёдгорликлар бор. Вилоятда ўттизга яқин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбахор тумани Учтут қишлоғидаги неолит даврига оид шахта, Нурота тумани худудидаги Қоратоғда милоддан аввалги III асрга оид ўйиб ёзилган қоятош ёзувлар ва бошқалар тарихчилар диққат марказида.

Эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси
Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси қаттиқ муқовали, жилоли ламинация билан, ички саҳифалари, 80 гр., офсет қоғозида 1+1 рангда, 280 бет, 90 гр. меловка қоғозида 4+4 рангда, 9 бет, жами 288 бет. А5 ўлчамдаги китобни минг (1000) дона чоп этиш учун тендер Эълон қилади.

Мурожаат учун телефон:

71-277-60-73
99-307-44-36

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

(Бошланиши 1-бетда)

Мухаммад Юсуф билан узоқ йиллар елкама-елка ижод қилган бир қаламқаш дўсти сифатида унинг таваллуд куни арафасида кўнглимдаги кечинмаларни қозога туширгим келди. Худо сўзни, шеърни илоҳий куч қилиб, сийлаб берган шоир зоти борки, ўз Ватани ҳақида, юртининг озодлиги, миллатининг ҳурлиги ҳақида тўлқинланиб ёзади.

ЎЗИНГ ДАН ҚҲЙМАСИН ХАЛҚИМ...

Кушдай учиб, кучоғиндан дунё кўздим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам, шунча қадринг сўздим,
Қайда юрсам ёду меҳринг овунач бўлди.
Айланаётган қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а.

Мухаммад Юсуфнинг шеърлари ўзидай содда, ўзидай жайдари ва ўзидай соф.

Унинг шеърлари тилингиз учидаги, ҳозиргина айтмоқчи бўлиб турган гапингизга ўхшайди. Эрам боғларини ўзбекининг жийдасига, Римни юртининг бедапоясига алишмаслиги, ўзбек фақат боласи деб яшаши, дўпплиларга лойиқ бошлар камайиб бораётгани, яшаш шарт эмас, севиш кераклиги, капалакларнинг одамлардан меҳрибонлиги, лолани ҳокисор район қутқариши, ўнта ўзбек йиғилса тўй бўлиши каби ташбеҳлар чиндан ҳам содда, чиндан ҳам тиниқ ва бегарддир.

Мухаммад Юсуф шеърларида Ватан тандирдаги нонга, беминнат офтобнинг қатим нурига, чақалоқ хидига ўхшатилади. Онажон ўлкани, отамаконни бир оқибатли фарзанддай севмоқ, яхши кунига суйинмоқ, меҳру атрига туйинмоқ, эртасини нурли кўриши, аждоқлардан авлодларга соғу омон етказишга умидворликнинг ҳақиқий ўзбаки ўхшатишларида юрагингизни энтиктириб юборади.

Покиза осмон каби бегубор ва бепоеён қалб эгасининг кўхна юртининг уч минг йиллик вақт қаъридаги машъум кунлари, беадаб оғриқлари-ю босқинлардан эзилган юрак зардобларини авайлаб, суйиб айтган айтимлари кўнглингизга ёруғлик беради.

Тишидан тирноғигача юртпарвар, эркпарвар аждоқларимиз - тарихий шахсларни ибрат сифатида кўрсатилган шеърларни кўп ва хуб ўқиганмиз.

Аммо Мухаммад Юсуфда бошқача ўқиймиз.

Миллат тимсоллари, миллат ифтихорлари саналмиш оловлардан омон чиққан Муқанна, Машраб каби халқда тумор, шоҳ ёнида халққа қайишган Навоий, меники деб кўринган дуо қилган Ҳақ Яссавий, халоскор Широқ, Курдистонда қолиб кетган Жалолиддин, Хиндистонда юрт фироғида яшаган Бобурдан ёзганида беихтиёр кўзингизга ёш келади.

Бу тарихий, жонли тимсоллар бутун халқ юрагига жонли ҳис бўлиб, оғриқ нуқталарини зириллатиб юборади.

Шоир улуглар тимсолида Ватани бор-бўйи билан кўрсатади, шоир билан шоирнинг, шеър билан шеърнинг фарқини англаб борасиз.

Сен шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Кўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуглардан
Улуғимсан, Ватаним.



26 апрель –
Ўзбекистон халқ шоири
Мухаммад Юсуф туғилган кун

Шубҳасиз, ушбу сатрлар юрагингизга кўрғошиндай қуйилади. Елкангизда отангизнинг қўллари тургандай ҳис қила бошлайсиз ўзингизни. Ватан ҳисси она бўлиб ҳимоялашини, опа меҳридек илиқ, сингил меҳридек қунонча, ёзнинг саратони – қишнинг қаҳратонида ҳам сизни тарқ этмайдиған меҳригидек қалбингизга таскин беради.

Шоир бир фидойи фарзанд сифатида элни баҳамжиҳатликка чорлайди, ака бўлиб укаларини суягиси, ука бўлиб акаларига суянч бўлгиси, ота бўлиб болаларига элнинг қора кунларидан хулоса қилишни Улуғбеғу Қодирийларни асрай олмаганларни куйиб-куйиб гапириб айтгиси келади.

Офтоб келин тушган
боғларинг кўркам,
Ялпизлар ястанган
дала даштларинг.

Осмонга туташган
оқтерак ўлкам-
Кўнглимда ўзгача сайру
гаштларинг.
Ватан, қадрим
уйи-хонақоҳимсан,
Боболарим
ётар саждагоҳимсан.

Шоир ниҳоятда тўғрисиўз, топқир ва ҳикматли инсон эди, шу боис ҳамма унга талпинарди. Сўзининг қадрини билар, жойида йиғлата олиш, жойида қулдира олиш, жойида ўйга толдириш қувватига эга байтларини ҳийла бўғиқроқ овозда ўқиганида ўзбек адабиёти қандай покиза сийратли, ниҳоятда ўткир зеҳнли, билимдон сўз заргари билан бойиганига иқрор бўласиз.

Бу беш кунлик дунёда орттиргани - топган бойлиги Ватанига бениҳоя муҳаббати, ғурури ва ифтихори бутун бир миллатни

ватанпарвар, элпарвар, эркпарвар қилиб тарбиялашга етадиган даражада қудратли ва топилмас шеърляти эканига, дунёларга алишмас дунёси Ўзбекистоннинг майса-ю шудринги, қумлоғу саҳроси кўнглининг ардоғидаги туганмас шеър булоғи экани ҳайратингизни оширади. Шунинг учун ҳам Ватани севишни Мухаммад Юсуфдан ўрганиш керак, дер экан-да доно ҳаққимиз?

Шоир учун Ватан ва Она сўзи дунёдаги энг муқаддас сўзлар эканини волидасини соғиниб, суйиб, топиб айтган мисралардан топиб олиш мумкин. Бутун ижодини онасига бағишлашни орзу қилган беназир истеъдод эгасининг содда ва тўпори иқрорини ўқинг:

Оҳ, менинг ортимдан
овора онам,
Бир парча юраги минг
пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда
Тошканини кўрмаган
бечора онам.
Болянг бўлиб бир бор бошлаб
келдимми,
Энди мён ҳам сенга ўғил
бўлдимми!
ёки
Шоирлик мён учун асло
орзумас-
Шу ҳам иш бўлдимми
йиғит бошимга?
Ҳамма шоир зотин
йиғса арзумас-
Онамни соғиниб тўккан
ёшимга.

Бизнингча бирор шоир зоти жону жаҳони-онаизорига меҳрини, узрини бу қадар содда ва бу қадар тотимли айтилмаган бўлса керак. Беадоқ соғинчнинг, бегидир меҳрнинг нодир топилмаси бу!

Қисқагина умрида ўзи камол топган заминга чин ихлос ва фарзандлик садоқатини беармон изҳор эта олган, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб кетган, ортин бутун миллатни эргаштира олган, бутун миллат юрагига Ватан меҳрини оқтира олган шоирнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли ҳали неча асрлар фарзандларимизнинг камолотига маънавият, маърифат дарси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу ҳайратангиз, имтиҳонли дунёнинг сирини синоатларида одамзодни ҳайратга соладиган ҳодисалар кўп, умри давомида руҳият чизгилари, руҳият манзаралари орқали бутун миллатни ортиндан эргаштира оладиган шахслар то қиёмат миллат яшар экан, шу миллатнинг тимсоллари бўлиб қолаверадилар.

Сайёра ТҮЙЧИЕВА,
Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти профессори, фалсафа фанлари доктори.

Ватаним

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамномам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —
Илигимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Кўригимсан, Ватаним.

Сен Ҳўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сакраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлигимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуринг — Хиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,
Етарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алломшига
Навқар бўлиб тўшгайман,
Падарқушдан пана қилиб
Улуғбеғинг кучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлигимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,
Ўз бошинга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Кўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! деб айтилмаган
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнида қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Хеч бўлмас Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Кудуғимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Кўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуглардан
Улуғимсан, Ватаним!

✓ Хотира

Қадрли маслакдошимиз, азиз дўстимиз эди

Миллий театр ва кино санъатимиз фидойиси, таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, партияимиз Марказий кенгаши аъзоси Мирза Азизов оғир касалликдан сўнг 58 ёшида вафот этди.

Мирза Азизов 1963 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида туғилган. 1987 йили Тошкент театр ва расмомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)ни муסיқали драма актёри ихтисослиги бўйича тамомлаган.

1989 йили Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқий театрида вокал артисти сифатида иш бошлаб, 1992-1997 йиллар давомида Ўзбек давлат драма театрида самарали ижод қилган.

Мирза Азизовнинг ўнлаб роллари, «Юсуф ва Зулайхо», «Фарход ва Ширин», «Нодира-бегим», «Алпомишнинг қайтиши», «Топталган туйғу» каби машҳур спектакллардаги образлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. У чин маънода ўз касбининг фидойиси эди. У айна пайтда исми-жисмига монанд азиз инсон эди.

Мирза Азизов партияимизнинг энг фаол ва ташаббускор аъзоси сифатида ҳам хотирамизда қолади. У мамлакатимизнинг энг олис нуқталарида бўлиб ўтадиган учрашувларда беминнат иштирок этар, ўз тақлиф ва ташаббуслари билан партиядошларимиз қалбидан чўқур жой оларди.

Унинг она шаҳри Чустда Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқий театри филиалини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи барча пар-

тиядошларимизни беҳад мамнун қилгани гўё кечагидек эсимизда. Биз партиядошимиз Мирза Азизовнинг ана шу тақлифи албатта амалга ошиши учун ҳаракат қиламиз, токи марҳумнинг руҳи шод бўлсин.

Мирза Азизов 2016 йилдан Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқий театри директори лавозимида иш бошлади. Унинг етакчилик қобилияти ва ташаббускорлиги натижаси ўлароқ, қисқа вақт ичида театр жамоаси фаолиятида ижодий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, театрнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, репертуар таркиби замонавий ва тарихий асарлар билан бойитилди. Мирза Азизов партиядошларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва санъатдан хабардорликларини ошириш мақсадида улар учун бепул спектакллар ҳам ташкил этарди.

Албатта, Мирза Азизовнинг ўзбек театр ва кино санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари билан мукофотланган эди.

Ўз соҳасининг устаси, моҳир санъаткор, партияимиз фахри бўлган Мирза Азизовнинг ёрқин хотираси ҳамisha қалбларимизда сақланиб қолади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши



ЎЗБЕКИСТОН
«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТимоий-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО,
Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,
Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Шерзодхон ҚУДРАТХЎҲАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ,
Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ

МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Газета таҳририят
компьютер
марказида терилди
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда бўлиб, улар
муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн:
Мамуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адаби – 2795.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 416
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:50

ISSN 2010-7714

123456